Бутун дунё пролетарлари, бирлашингиз!

СОВЕТ ЎЗБЕКИСТОНИ

ГАЗЕТА 1918 ЙИЛ 21 ИЮНДАН ЧИҚА БОШЛАГАН

ЎЗБЕКИСТОН КОММУНИСТИК ПАРТИЯСИ МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИ, ЎЗБЕКИСТОН ССР ОЛИЙ СОВЕТИ ВА МИНИСТРЛАР СОВЕТИНИНГ ОРГАНИ

№ 120 (20. 387) • 1989 йил 23 май, сешанба • Баҳоси 3 тийин.

25 МАЙДА МОСКВАДА СССР ХАЛҚ ДЕПУТАТЛАРИ СЪЕЗДИ ОЧИЛАДИ

БОШЛАНҒИЧ ПАРТИЯ ТАШКИЛОТИ

Қайта қуришнинг муваффақияти унинг жанговарлиги ва ташаббускорлигига боғлиқ

Снёсий ва иқтисодий ислоҳот, демократиялаш шароитларида ўтган СССР халқ депутатлари сайлови кампанияси КПСС Марказий Комитети 1989 йил апрель Пленуми қайд этганидек, қайта қуришни қўллаб-қувватлаш референдуми бўлди. Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг яқинда бўлиб ўтган XIII пленумида шу нарса таъкидландики, республика меҳнаткашларининг кўпчилиги коммунистлар учун овоз бериб, жамиятни янгилаш ва уни жиплаштиришни реал равишда таъминлашга қодир бўлган обрўли ва ишончли снёсий куч — партияга бўлган муносабатларини яна бир бор тасдиқладилар. Пленум қарорида таъкидланишича, «БАРЧА ПАРТИЯ КОМИТЕТЛАРИ ВА БОШЛАНҒИЧ ТАШКИЛОТЛАРИ САЙЛОВ ЯКУНЛАРИДАН ЖИДДИЙ ХУЛОСАЛАР ЧИҚАРИБ ОЛИШЛАРИ, КОНКРЕТ ҲАРАКАТЛАРНИНГ ПАРТИЯ СТРАТЕГИК ЙЎЛИГА ВА РЕАЛ ИЖТИМОИЙ СНЁСИЙ ВАЗИЯТГА МУВОФИҚ КЕЛАДИГАН ТАКТИКАСИНИ ИШЛАБ ЧИҚИШЛАРИ, УЛАРНИ ДЕМОКРАТИЯ ВА ОШКОРАЛИКНИ ЯНАДА ЧУҚУРЛАШТИРИШГА, ҲАЁТИЙ МУҲИМ СОҲАЛАРДА СЕЗИЛАРЛИ АМАЛИЙ НАТИЖАЛАРГА ЭРИШИШ ОРҚАЛИ ПАРТИЯ ТАШКИЛОТЛАРИНИНГ ОММА ОРАСИДАГИ ОБРЎ-ЭЪТИБОРИ ВА ТАЪСИРИНИ МУСТАҲКАМЛАШЛАРИ ЗАРУР».

Совет кишилари партияга ишонадилар, уни ягона уюштирувчи куч деб биладиларки, у пировард натижада қайта қуриш платформаси асосида жамиятимизни тубдан янгилашни таъминлайди. XIX Бутуниттифоқ партия конференциясида уқтирилганидек, партиянинг раҳнамолик фаолияти бўлмаса, унинг снёсий йўли амалга оширилмаса, қайта қуриш вазифаларини ҳал қилиб бўлмайди. Акс ҳолда қайта қуриш снёсий жиҳатдан ҳам, идеологик жиҳатдан ҳам, ташкилий жиҳатдан ҳам барбод бўлади. Партиянинг муваффақиятли фаолияти эса коммунистлар активлигининг ошиши, бошланғич партия ташкилотлари ишининг қайта қуриш асосида янгиланиши билан чамбарчас боғлиқдир.

Бошланғич ташкилот партиянинг негизидир, у меҳнат коллективининг снёсий ўзаги бўлиб, меҳнаткашлар ўртасида бевосита иш олиб боради, уларни партия теварагига жипслаштиради, жамиятимизни янгилаш вазифаларини бажаришга уюштиради, партиянинг кадрлар снёсатини ўтказишда фаол қатнашади. Партия ташкилотлари ҳозир жуда мураккаб шароитларда иш олиб бормоқдалар. Узоқ йиллар мобайнида таркиб топган эскича услублар синдириб ташланмоқда, маъмурий-буйруқбозлик одатларига барҳам берилмоқда. Демократия ва ошкоралиқни янада ривожлантириш, иқтисодий ислоҳотни муваффақиятли амалга ошириш, одамларни озиқ-овқат маҳсулотлари, истеъмол молларқ, уй-жой билан таъминлаш мақсадида шундай қилинаётир.

Қайта қуриш одамлар фаоллигини ошириб юборган ҳозирги шароитда коммунистнинг рўй бераётган жараёнлардан четда туришга ҳаққи йўқ, у аввало, ўзига талабчанликни ошириши, бошқаларни ўз ортидан эргаштириши лозим. Зотан, революцион ўзгартишлар даври меҳнат қилаётган жойидаги ишларнинг аҳволи учун, қайта қуришга шахсий ҳиссаси учун, ўз коллективининг фаоллиги учун ҳар бир коммунистнинг масъулияти ғоят юқори бўлишини тақозо этмоқда.

Республикамизда 600 мингдан ортиқ коммунистни ўзига уюштирган 21 мингдан зиёд бошланғич партия ташкилоти бор. Ҳам коммунистлар, ҳам бошланғич партия ташкилотлари фаоллигини давр талаблари даражасига кўтарган тақдирдагина жамиятни янгилаш вазифалари изчил ҳал этилиши мумкин. Бугунги кунда бошланғич партия ташкилотлари вазиятни яхши билишлари, ишларга баҳо беришда омилкорлик билан муросасизликни узвий боғлашлари, ташаббус кўрсатишлари, коллективларда маънавий-психологик муҳитни шакллантиришга фаол таъсир ўтказишлари, одамларни жипслаштира олишлари керак. Ана шу маънода бошланғич партия ташкилотлари партия комитетларининг амалий ёрдамига, қўллаб-қувватлашига ҳар қачонгидан ҳам муҳтождирлар. Шунинг учун ҳам Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети пленуми партия комитетлари зиммасига ташкилотчилик ишини қатъиятлик билан бошланғич партия ташкилотларига ва меҳнат коллективларига кўчириш, уларнинг турмуши ва муаммоларини яхши билиб туриш, қуйи партия бўғинларининг жанговарлик қобилиятини оширишда ички партиявий ишнинг ўзини оқлаган шакллари ва усулларидан, илғор тажрибадан тўлиқроқ фойдаланиш вазифасини юклади.

Бу борада мақтанарли бўлмаса ҳам, аммо янгича ишлашга интилиш борлиги сезилиб турган тажриба мавжуд. Масалан, Тошкент ва Қорақалпоғистон область партия комитетлари, уларнинг бюролари асосан активларга, одамлар билан кенг кўламда маслаҳатлашишга таяниб, ўз ишларини дадил бошланғич ташкилотлар ва меҳнат коллективларида ўтказмоқдалар. Бекобод шаҳар партия комитети, Хонқа ва Уйчи район партия комитетлари ҳам ташкилотчилик ҳамда снёсий ишларининг асосий қисмини меҳнат коллективларида ўтказмоқдалар, омманинг реал ташкилотчилари бўлиб қолмоқдалар. Қуйи партия бўғинлари жанговарлик қобилиятини оширишда Фарғона областида жанговарлик кўриги, Тошкент областида коммунистларни аттестациядан ўтказиш тажрибаси диққатга сазовордир. Шу туфайли ҳар икки областда коммунистларнинг фаоллиги, ташаббускорлиги, коллектив иши учун масъулиятни ҳис этиш сезилари даражада ошмоқда. Чунончи, Тошкент областида шу кунгача коммунистларнинг учдан бир қисмидан кўпроғи билан суҳбат ўтказилди. Аттестация якунларига кўра 5 мингдан ортиқ коммунист партиявий жазо олди, 700 га яқин киши партиядан ўчирилди. Буларнинг ҳаммаси коммунистларнинг фаоллигини кучайтиришга муайян тарзда кўмаклашди.

Аммо партия комитетларининг ҳаммаси ҳам халқ орасида, қайта қуришнинг энг қизғин жабҳаларида бўлган бошланғич партия ташкилотлари имкониятларига етарли баҳо бермаётирлар, уларга зарур ёрдам кўрсатмаётирлар. Шу боисдан республикада бошланғич партия ташкилотларининг ҳар иккисидан бири бутунлай пассив иш олиб бормоқда. Пленум қуйи партия ташкилотлари ва меҳнаткашлар оммаси билан алоқанинг яхши йўлга қўйилмагани Тошкент шаҳридаги Киров ва Октябрь район партия комитетларининг ташкилотчилик ва снёсий ишларни қайта қуришнинг заиф бўғини бўлиб қолаётганини кўрсатиб ўтди. Мазкур район партия комитетлари аппаратининг ходимлари илгаригидек кабинетларда ўтириб, асосан ҳужжатлар тайёрлайдилар ва телефон орқали фармойишлар бериш билан шуғулланмоқдалар, коллективларнинг турмуши ва муаммоларини яхши билмайдилар, бошланғич партия ташкилотларига кам ёрдам берадилар. Ҳисобот ва сайлов йиғилишларида коммунистлар ўртага қўйган кечиктириб бўлмайдиган социал вазифалар эътибордан четда қолдирилмоқда. Бундай манзара кўпгина район партия комитетларига хос эканлиги пленумда рўй-рост айтиб ўтилди.

Пленумда ҳозир республикада сафида ўн мингдан кишн қатнашаётган 350 дан кўпроқ турли жамоат ташкилотлари ва норасмий бирлашмалар борлиги айтиб ўтилди. Улар социал-иқтисодий ва маънавий турмушнинг турли муаммоларини амалий ҳал қилишда партияга кўмаклашишга интилаётган нормал, соғлом қаракатдир. Пленум партия комитетлари ва ташкилотларининг диққат-эътиборини ташаббускор жамоат тузилмаларига эътиборни кучайтириш, уларнинг фаолиятидаги бунёдкорлик негизларини мустаҳкамлаш, улар билан ҳамкорлик шаклларини кенгайтириш, ўртада турган муаммоларни ҳал этиш соҳасидаги амалий ишга уларни жалб қилиш зарурлигига қаратди.

Бироқ фаолиққа соғлом кучларгина эмас, бошқача тарздаги кучлар ҳам қўшилаётганини айтиб ўтмоқ керак. Бундай кучларнинг қонунлар билан, амалий иш билан, тартиб-қонда билан ва ҳатто ўзлари бақириб-чақириб талаб қилаётган демократиянинг ўзи билан ҳам ҳеч қандай ишлари йўқ. Улар мамлакатдаги ва республикадаги вазиятни бузиб, бир ёқлама талқин этадилар, йиғилишларда одамлар орасида миллатчилик руҳи анқиб турган ваҳзонлик қиладилар. Бундай ишларга республика олий ўқув юртларн ва техникумларида таълим олаётган анчагина ёшлар ҳам билиб-билмай аралашиб қолмоқдалар. Бу ўринда студентларнинг соғлом кучларини тўғри йўлга солишда, уларни янгилиш ва хато фикрлардан қайтаришда, комсомол ташкилотларига партиявий таъсир ўтказишда ўқув юртлари партия ташкилотлари зиммасига катта масъулият тушади. Бироқ ана шу масъулиятни чуқур ҳис этмаётган партия ташкилотлари ҳам йўқ эмас. Акс ҳолда бошқача тарздаги кучларга мансуб экстремист, носоғлом фикрдаги кишилар студентлар орасида, ётоқхоналарда манфаатпарастлик, ғаразли ва гуруҳбозлик мақсадларини революцион иборалар ҳамда шиорлар билан ниқоблаб иш олиб бораётган айрим ҳолатлар рўй бермаган бўларди.

Ўқув юртлари партия ташкилотлари студентлар ғоявий-снёсий тарбияси, ўқитиш ва ўқиш сифати, ётоқхоналардаги турмуш шароитлари, бўш вақтни мазмунли ўтказиш, дам олишни яхшилаш масалалари билан ғоят жиддий равишда шуғулланишлари керак.

Умуман барча бошланғич партия ташкилотларидан, коммунистлардан қайта қуриш, жамиятимизни янгилаш манфаатлари йўлида дадил, сабот билан ҳаракат қилиш талаб этилади. Коммунистларнинг авангардлик роли иш билан, конкрет ҳаракат билан исботланиши керак. Коммунистлар танлаб олган йўлимиздан олга боришимизни сусайтиришга, жамиятни яна турғунлик гирдобига гирифтор қилишга ҳар қандай уринишларни йўлдан супуриб ташлаш билан бирга, шошмашошарлик, жизғаклик, сўлларча ҳаддан ошишлар, экстремизмга қарши ғоят кескин қарши туришлари даркор. Бинобарин, пленум айрим масъулиятсиз унсурларнинг вазиятни издан чиқариш, ҳис-ҳаяжонни авж олдириш йўлидаги уринишларини янада қатъият билан фош қилиш ва пайини қирқиш, шу мақсадда ишонтириш ишлари билан бирга, қонун кучидан омилкорлик билан фойдаланиш лозимлигини уқтирди.

Пленумда партия ҳужжатларини топшириш ҳоллари тез-тез рўй бераётганлиги ва айтиш мумкинки, партия комитетлари секретарлари, уларнинг кўпдан кўп активлари ички партия турмушидаги мана шу фавқулодда воқеаларга бефарқ муносабатда бўлаётганликлари фактлари ташвишлантираётгани айтилди. Коммунистлар бунга лоқайд қараб турмасликлари керак. Ишонтириш кучини ишга солиш, одамларда конкрет хайрли ишлар, энг аввало, шахсий намуна орқали партияга иззат-ҳурмат билан қарашни тарбиялаш даркор. Бунда ёш авлодни, янги ўрнибосарлар тўғрисида доимо ғамхўрлик қилишни, мамлакатни эртанги равнақи йўлида меҳнат қиладиганларни эсдан чиқармаслик лозим. Бу коммунистларнинг муқаддас аниъанаси бўлиб келган ва шундай бўлиб қолади.

Хулоса қилиб айтганда, бошланғич партия ташкилоти ҳар бир меҳнат коллективининг таркибий қисми бўлиб, жамият турмушида партия доимо иштирок этаётганлигининг тимсолидир. Бунн партия ташкилоти секретари, шу ташкилотга уюшган коммунистлар ҳамиша ёдда тутишлари зарур. Коммунист қаерда ишламасин, қандай ташкилот ва жамоат ҳаракатида қатнашмасин, у КПСС XXVII съезди ва XIX Бутуниттифоқ партия конференцияси қарорларига суяниб, партиянинг қайта қуриш йўлини принципиаллик ва ишчанлик билан амалга оширши керак. Бошланғич партия ташкилоти фаолияти самарадорлиги, унинг меҳнат коллективидаги обрў-эътиборн ва таъсирини баҳолаш мезони ана шундадир.

КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюросида

КПСС Марказий Комитетининг Сиёсий бюроси 20 майдаги мажлисида шу йил 22 май куни бўладиган КПСС Марказий Комитети Пленумини ўтказиш билан боғлиқ масалаларни кўриб чиқди.

КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюроси КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари, СССР Олий Совети Президиумининг Раиси М. С. Горбачевнинг Хитой Халқ Республикасига қилган расмий визити, у ерда Хитой раҳбарлари билан бўлиб ўтган музокаралар ва суҳбатларнинг, Хитой жамоатчилиги ҳамда меҳнаткашлари вакиллари билан учрашувларнинг якунларини маъқуллади.

Олий даражадаги Совет — Хитой учрашуви бутун бир маррага тенг аҳамиятга эга эканлиги чуқур мамнуният билан қайд этиб ўтилди. Бу учрашув ўтмишга чек қўйиб, Совет — Хитой муносабатларида янги босқични бошлайди. СССР билан ХХР раҳбарларининг учрашуви давлатлараро муносабатлар нормаллашувини, КПСС билан ХКП ўртасидаги алоқалар тикланганлигини билдирди.

Давлатлараро ва партиялараро муносабатларнинг янги асослари келишиб олинганлиги учрашувнинг муҳим якуни бўлди, ана шу янги асослар томонларнинг бир-бирининг суверенитетини, мустақиллигини ҳурмат қилишга, тенг шериклар ва яхши қўшнилар сифатида иккала мамлакатнинг манфаатларини эътиборга олиб, улар ўртасидаги ҳамкорликни бутун чоралар билан ривожлантиришга тайёр эканликларини ифода этади. Совет—Хитой муносабатларининг нормаллашуви учинчи мамлакатларга қарши қаратилмаганлигини ва СССР ҳамда ХХРнинг бошқа давлатлар билан алоқалари ва ҳамкорлигига асло зиён етказмаслигини якдиллик билан англашга эришилди.

М. С. Горбачевнинг ХХРда бўлиши иккала мамлакат халқлари ўртасида неча ўн йиллар мобайнида ётсираш мавжуд бўлганига қарамай, улар бир-бирига нисбатан анъанавий дўстлик, хайрихоҳлик ва чуқур ҳурмат туйғуларини сақлаб қолишганини намойиш этди.

Пекиндаги музокаралар шуни кўрсатдики, турмушнинг ўзи тақозо этаётган савдо-иқтисодий, илмий-техникавий алоқалар ва бошқа алоқаларни анча кучайтириш, самарали ҳамкорлик шаклларини жорий этиш вазифалари иккала мамлакат ўртасидаги ўзаро муносабатларда олдинги ўринга чиқмоқда. Совет халқи билан Хитой халқи ўртасида маънавий соҳадаги ҳамкорлик ҳам битмас-туганмас имкониятларга эгадир.

КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюроси тегишли совет идоралари ва ташкилотлари учрашувда эришилган аҳдномаларни рўёбга чиқаришни ўз фаолиятининг муҳим йўналиши деб билишларини зарур деб ҳисоблайди.

Ҳар иккала томон Совет — Хитой чегараси районидаги қуролли кучларни энг паст даражагача қисқартириш чораларини кўришга, Совет Иттифоқи билан Хитой ўртасидаги чегара масалаларини бир вақтнинг ўзида чегаранинг шарқий ва ғарбий қисмларида адолатли ҳамда оқилона ҳал этишга рози бўлганлиги катта аҳамиятга эга эканлиги таъкидланди.

Совет — Хитой муносабатларининг нормаллашуви СССР билан ХХР ўртасидаги муносабатларгагина эмас, шу билан бирга Осиё — Тинч океани регионидаги ва умуман жаҳондаги вазиятга ҳам хайрли таъсир ўтказади, бундай нормаллашув жаҳон тараққиётининг ҳозирги тенденцияларга узвий қўшилиб, халқаро майдонда давлатларнинг бир-бирига қарши туришидан уларнинг баҳамжиҳат ҳаракат қилишга ўтишига, ишонч ва ҳамкорликни мустаҳкамлашга кўмаклашади, деб ишонч билдирилди.

Мажлисда М. С. Горбачевнинг АҚШ давлат секретари Ж. Бейкер билан суҳбати ҳамда Э. А. Шеварднадзенинг у билан олиб борган музокараларининг якунлари кўриб чиқилди. Совет—Америка муносабатларининг бутун комплекси ва долзарб халқаро муаммолар хусусидаги батафсил фикрлашувлар қуролсизланиш, дунёда барқарорлик ва хавфсизликни таъминлаш тўғрисидаги музокаралар жараёнини кучайтириш имконини беради.

Суҳбат давомида ҳозирги халқаро муносабатларнинг энг асосий соҳаси — қуролярғларни чеклаш ва камайтириш соҳасида совет томони олға сурган йирик ташаббуслар принципиал муҳим аҳамиятга эгадир. Совет Иттифоқи Европада оддий қуролли кучларни қисқартиришга доир Вена музокараларида киритган конкрет таклифларнинг аҳамияти алоҳида қайд этиб ўтилди.

Тактик ядровий қурол муаммоси, айниқса, долзарб бўлиб қолмоқда, Европадагина эмас, шу билан бирга умуман жаҳондаги ҳарбий-стратегик ва сиёсий вазият ана шу муаммонинг ҳал этилишига бевосита боғлиқдир.

АҚШ давлат секретарининг визити чоғида совет раҳбарияти Варшава Шартномасидаги иттифоқчи мамлакатларнинг территориясида жойлаштирилган 500 та тактик ядровий қуролни қисқартириш тўғрисида эълон қилган қарори — Европа қитъасида янги ҳарбий-сиёсий вазиятни вужудга келтириш ва мустаҳкамлаш йўлида қўйилган муҳим қадамдир. АҚШ билан мулоқотнинг шу йўналишига СССРнинг амалий ёндашаётганлиги Варшава Шартномаси ва НАТО мамлакатларининг қуролли кучларига фақат мудофаа хусусиятларини беришда ҳал қилувчи ёриб ўтишга эришиш, ракетадан мудофаа тўғрисидаги Шартнома 1972 йилда қандай имзоланган бўлса, унга шундайлигича риоя этилган шароитда стратегик ҳужум қуролларини 50 процент қисқартириш тўғрисидаги шартнома устида ишлашни ниҳоясига етказиш мақсадини кўзлайди.

Учрашувда маҳаллий можароларни бартараф этиш муаммолари чуқур муҳокама қилинганлиги ёндашувлар ва баҳоларда тафовутлар сақланиб қолаётганига қарамай, адолатли ечимларни сиёсий воситалар билан топиш борасида СССР билан АҚШнинг амалий равишда баҳамжиҳат ҳаракат қилиши учун реал имкониятлар мавжудлигини кўрсатди. Музокаралар вақтида миллатлараро муаммолар амалий равишда муҳокама этилиши, Совет — Америка муносабатларининг турли жиҳатлари юзасидан фикрлашувлар, СССР билан АҚШ ўртасида барча даражаларда самарали сиёсий мулоқотни ривожлантириш борасида кўриладиган кейинги тадбирларни англашга эришилганлиги муҳим аҳамиятга эга эканлиги таъкидлаб ўтилди.

Э. А. Шеварднадзенинг Германия Федератив Республикасига амалий визити, унинг федерал канцлер Г. Коль ва ташқи ишлар министри Г.-Д. Геншер билан суҳбатларининг якунлари тўғрисидаги ахборот тингланди, ана шу визит ва суҳбатлар чоғида асосий диққат-эътибор М. С. Горбачевнинг ГФРга бўлажак расмий визитига тайёргарлик кўриш масалаларига қаратилди. Олий даражадаги Совет — Ғарбий Германия учрашуви ғоят мазмундор бўлиб, иккала мамлакат ўртасидаги муносабатларда ижобий тенденцияларни мустаҳкамлаш имконини беради, деб қатъий ишонч билдирилди. СССР билан ГФР ўртасидаги муносабатларнинг шундай ривожланиши тинчлик ва ҳамкорлик қарор топган янги Европани барпо этишга қўшилган муҳим ҳисса бўлур эди.

МОСКВА. Катта Кремль саройининг Георгиев залида СССР халқ депутатлари съездига келган депутатларни рўйхатга олиш давом этмоқда.

Суратда: Ўзбекистон ССРнинг Фарғона областидан сайланган депутатлар.

ТАСС — ЎзТАГ телесурати.

1989 ЙИЛ 14 МАЙ КУНИ ТЕРРИТОРИАЛ ВА МИЛЛИЙ-ТЕРРИТОРИАЛ САЙЛОВ ОКРУГЛАРИДА ЎТКАЗИЛГАН ТАКРОРИЙ САЙЛОВДА ЎЗБЕКИСТОН ССРДАН САЙЛАНГАН СССР ХАЛҚ ДЕПУТАТЛАРИНИНГ

РЎЙХАТИ

Орипжонов Маҳмуд Маърипович, Ўзбекистон Компартияси Андижон область комитетининг биринчи секретари, КПСС аъзоси, Андижон шаҳри. Ўзбекистон ССР Андижон областининг 577-Ленинск территориал округидан.

Давронов Ахтам, Қизилтепа районидаги «Партия XXII съезди» колхозининг бригадири, КПСС аъзоси, Бухоро областининг Қизилтепа райони. Ўзбекистон ССРнинг 108-Навоий миллий-территориал округидан.

Икромова Муҳаббат, Хатирчи районидаги «Ўзбекистон» колхозининг сут соғувчиси, КПСС аъзоси, Самарқанд область, Хатирчи районидаги Чанғир қишлоғи. Ўзбекистон ССР Самарқанд областидаги 587-Каттақўрғон территориал округидан.

Муҳаммад Содиқ Муҳаммад Юсуф, муфтий, Ўрта Осиё ва Қозоғистон мусулмонлари диния бошқармаси президиумининг раиси, Тошкент шаҳри. 598-Тошкент-Киров территориал округидан.

Ҳақназаров Салмонжон, Ўзбекистон районидаги «Ғаннобод» совхозининг бригадири, Фарғона область Ўзбекистон районидаги Оқмачит қишлоғи. Ўзбекистон ССРнинг 122-Қўқон миллий-территориал округидан.

Ҳусанов Абдужаббор Ўлмасович, «Коммуна» область газетаси редакциясининг масъул секретари, КПСС аъзоси, Фарғона шаҳри. Ўзбекистон ССРнинг 125-Фарғона миллий-территориал округидан.

Эсиргапов Абдуғаффор Жўрабекович, Гулистон районидаги «Красная заря» колхози пахтачилик бригадасининг бошлиғи, КПСС аъзоси, Сирдарё областининг Гулистон райони. Ўзбекистон ССРнинг 114-Гулистон миллий-территориал округидан.

Ҳар бирида иккитадан ортиқ номзод рўйхатга олинган учта миллий-территориал округдан номзодлардан биронтаси ҳам сайланмади. СССР халқ депутатлигига сайлов тўғрисидаги Қонуннинг 60-моддасига мувофиқ 1989 йилнинг 21 майида такрорий сайлов ўтказилди.

Округ сайлов комиссиялари ҳар бир территориал ва миллий-территориал сайлов округидаги сайлов натижалари тўғрисидаги хабарларни маҳаллий матбуотда эълон қилдилар.

Ўзбекистон ССР Министрлар Советида

Апрель-май ойларида табиий офат рўй бериб, картошка, сабзавот, қовун-тарвуз, мева ва узум ҳосилига катта талафот етганлиги муносабати билан ҳамда ана шу экинлар ресурсларидан аҳолининг озиқ-овқат маҳсулотларига ва қайта ишловчи корхоналарнинг хом ашёга бўлган эҳтиёжини қондириш, Умумиттифоқ миқёсидаги маҳсулот олувчиларга мева-сабзавот етказиб бериш юзасидан шартномавий мажбуриятларнинг бажарилишини таъминлаш, шунингдек, маҳсулот етказиб бериш планига қўшимча тарзда савдо-воситачи кооперативлар, бошқа ташкилотлар ва гражданлар республикадан ташқарига мева-сабзавот ташиб кетиши устидан назоратни ва маҳсулот ҳисобкитобини кучайтириш мақсадида қуйидаги фармойиш қабул қилинди.

Ўзбекистон ССР Давлат агросаноат комитети билан Ўзбекбирлашув Умумиттифоқ фондига мева-сабзавот маҳсулоти, картошка, қовун-тарвуз, узум, 1989 йил ҳосилидан тайёрланган қуруқ мевалар, жумладан, майиз етказиб бериш давлат буюртмаси ҳажмларини ўзгартириш тўғрисидаги масалани Иттифоқ органлари олдига қўйиб, ўрганиб чиқишлари лозим.

Мазкур масала ижобий ҳал этиладиган бўлса, Ўзбекистон ССР Госплани шу маҳсулотдан фойдаланиш планларига тегишли ўзгартишлар киритсин.

Қорақалпоғистон АССР Министрлар Совети, область ижроия комитетлари, Тошкент шаҳар ижроия комитети, Ўзбекистон ССР Давлат агросаноат комитети, Ўзбекбирлашув, Ўзбекистон ССР Ички ишлар министрлиги, Ўрта Осиё темир йўл бошқармаси, граждан авиацияси Ўзбекистон бошқармаси, Ўзбекистон ССР Автомобиль транспорти ва йўл хўжалиги министрлиги бундай маҳсулотларни харид қилиш ва Умумиттифоқ фонди истеъмолчиларига етказиб бериш плани бажарилмагунга қадар республикадан картошка, сабзавот (аҳолидан сотиб олинган эртанги карам, бошпиёз бунга кирмайди), янги узилган мева, резавор ва узумнинг республикадан ташқарига плансиз ташиб кетилишига йўл қўймаслик учун зарур чоралар кўрсинлар. Транспорт воситалари, шу жумладан, кооперативлар учун транспорт воситалари фақат Ўзбекистон ССР Давлат агросаноат комитети ва Ўзбекбирлашувнинг талабномаларига биноан ажратилсин.

Ўзбекистон ССР Давлат агросаноат комитети, Ўзбекистон ССР Савдо министрлиги, Ўзбекбирлашув, Қорақалпоғистон АССР Министрлар Совети, область ижроия комитетлари, Тошкент шаҳар ижроия комитети кечки да-

(Давоми тўртинчи бетда).

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг XIII пленуми

ҚАЙТА ҚУРИШНИ КУЧАЙТИРАЙЛИК, ИШДА ТАШАББУСКОР БЎЛАЙЛИК

Доклад юзасидан музокаралар

Ўртоқ М. М. МИРҚОСИМОВ нутқи

ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ ПАРТИЯ КОМИТЕТИНИНГ БИРИНЧИ СЕКРЕТАРИ

Ўртоқлар! КПСС Марказий Комитетининг апрель Пленумида авж олиб кетган жиддий мунозара ҳозирги босқичда партия комитетларининг иш услуби ва методларини яна бир бор чуқур таҳлил этиб унинг қайта қуриш жараёнларидаги ўрни ва ролини қайта кўриб чиқишимизга даъват этмоқда. Одамлар жамиятимизни ривожлантиришнинг кўпгина муаммолари секинлик билан ҳал этилаётганлигини асосли равишда партия комитетларининг, турли даражалардаги раҳбарларнинг ишидаги камчиликлар билан боғламоқдалар.

Шуни ҳисобга олиб Тошкент область партия комитети партия ишини қайта қуриш борасида муайян чоратадбирларни кўрмоқда. Область партия комитети аъзоларининг фаолияти кучайтирилди, тегишли доимий комиссияларнинг иши авж олдирилди. Обком аъзолари (эндиликда уларнинг составида оддий коммунистлар кўпайди) коллегиал органларнинг қарорларини тайёрлаш ва қабул қилишда, кадрларни танлаш ва юқориқ лавозимларга кўтаришда, қарорларни ишлаб чиқиш ҳамда уларни ижро этишни уюштиришда бевосита қатнашмоқдалар. Аппарат ходимларининг бажарадиган вазифалари қайта кўриб чиқилди, уларнинг қуйи партия бўғинларида бўладиган вақти анча кўпайтирилди, ёзишмалар ҳажми қарийб уч баравар қисқартирилди. Аппаратнинг барча ходимлари меҳнат коллективларида конкрет жамоат ишини олиб боришлари учун бошланғич партия ташкилотларида вақтинчалик партия учетига қўйилган. Партия комитетларининг асосий диққат-эътибори мавжуд муаммоларни ҳал этиш йўлларини қидириб топишга қаратилган.

Эҳтимол, республиканинг партия комитетларида ҳам уларнинг меҳнат коллективлари билан алоқаларини мустаҳкамлашнинг кўпгина бошқа формалари бордир, аммо биз ҳамиша ҳам булар ҳақида хабардор қилинавермаймиз. Бизнингча, бу масалаларда Марказий Комитет аппарати, республика оммавий ахборот воситаларининг ишида камчилик борлиги равшан.

Меҳнат коллективларида бўлиш, одамлар билан суҳбатлашиш КПСС Марказий Комитетининг Пленумида гапириб ўтилган экономика ва социал соҳани ривожлантиришдаги муаммолар Тошкент области учун ҳам тўлатўкис хос эканлигини кўрсатмоқда. Ана шу муаммоларни ҳал этиш учун партия комитетлари ва ташкилотларининг, меҳнат коллективларининг мустақиллиги ҳамда ташаббускорлигини ривожлантиришга умид боғлаяпмиз. Бироқ қуйидан кўрсатилаётган бундай ташаббус маҳкамачилик тўсиқларига тез-тез дуч келиб турибди. Масалан, халқ истеъмоли моллари ишлаб чиқаришни олиб кўрайлик. «Узбектекстильмаш» ишлаб чиқариш бирлашмаси бундан бир йил муқаддам республикада мураккаб рўзғор техникаси: икки камерали кир ювиш машиналари ҳамда рўзғор электр гидронасослари ишлаб чиқаришни ташкил этиш тўғрисидаги таклифни киритган эди. Шу мақсадда у республика ҳукуматига, бизнинг область ижроия комитетимизга мурожаат қилиб, Ўзбекистон ССР Мелиорация ва сув хўжалиги давлат комитетига қарашли гидромеханика ва электр техника ускуналари ремонти заводининг чала қурилган ҳамда фойдаланилмаётган объектларини компенсация асосида уларга бериш мумкинлигини кўриб чиқишни сўраган эди. Аммо идоравий тўғаноқлар сабабли шу масалани йил мобайнида ҳал этишга муваффақ бўлинмади. Бунда эҳтимол бизнинг ҳам айбимиз бор, ушбу масалани ҳал этишда изчиллик ва принципиаллик кўрсатганимиз йўқ.

Афсуски, бундай фактлар бизда кам эмас. Яқинда биз халқ истеъмоли моллари ишлаб чиқаришни кўпайтириш ва уларнинг сифатини яхшилашга бағишлаб область партия-хўжалик активларининг сайёр йиғилишини ўтказдик, йиғилишда мазкур муаммони ҳал этишга доир катта программа қабул қилинди. Йиғилиш давомида ва унгача кўпгина партия ташкилотлари, меҳнат коллективлари Нариманов, Тошкент шаҳарларидаги, Оржоникидзе районидаги бир қанча чала қурилган ва ташлаб қўйилган бинолларда халқ учун товарлар ишлаб чиқаришни ташкил этиш ташаббуси билан чиқдилар. Аммо, бу вазифани ҳал этишда бизга яна идоравий буйруқбозлик халақит бермоқда.

Эҳтимол, шундай шароитда «туя гўшти еган» деб аталмиш барча қурилишларни, бўш ётган қувватларни ревизия қилиш ва олиб қўйиш юзасидан махсус давлат комиссияларини тузиш ҳамда кейинчалик уларни халқ учун товарлар ишлаб чиқарадиган, қайта ишлаш ва озиқ-овқат корхоналари қилиб қайта жиҳозлаш тўғрисидаги масалани марказлаштирилган тартибда кўриб чиқса арзийди. Бу апрель Пленумида айтиб ўтилганидек, хўжасизликка қарши курашнинг муҳим йўналиши бўлур эди.

Кооперативлар фаолиятини таҳлил этишга ҳам худди шундай ёндашиш лозим. Жумладан, биз Тошкент областида барча кооперативлар ва кооператорларнинг фаолиятини комиссиялар билан текширишга қарор қилдик, ишлаб чиқариш соҳасида, айниқса, халқ истеъмоли моллари тайёрлаш соҳасида ишлаётган кооперативларнинг фаолиятини бутун чоралар билан рағбатлантирамиз. Докладда айтиб ўтилган кооперативларга ўхшаш кооперативларнинг жамият ҳисобига текиншўрлик қилиш йўлидаги уринишларига эса катта солиқ солишдан бошлаб то бундай кооперативларни ёпиб қўйишгача ғоят қатъий равишда чек қўйилади.

Биз учун бошқа яна муҳим муаммолар орасида аҳолини озиқ-овқат маҳсулотлари билан таъминлаш энг ўткир муаммо бўлиб турибди. Область партия комитетининг яқинда бўлиб ўтган пленумида бу масала анча пухта кўриб чиқилди. Гарчи Рафиқ Нишонович ўз докладида қишлоқ хўжалик ишлаб чиқариши ўсиб бормоқда, деб айтган бўлсада, аммо аҳоли жон бошига озиқ-овқат маҳсулоти амалда ўсаётгани йўқ. Шахсий хўжаликларнинг томорқа участкалари тўғрисида қабул қилинган қарор озиқ-овқат маҳсулотини кўпайтиришда муҳим омил бўлади, деб ўйлаймиз.

Бироқ ўз ўзини таҳлил этиш зарурки, партия комитетлари ҳали кадрларда янгича ёндашувлар ва усулларни ҳамма жойда қарор топтириб, агросаноат комплексининг мавжуд имкониятларидан интенсив фойдаланиш масалаларини аниқ-равшан сиёсий ва ташкилотчилик ишлари билан мустаҳкамлай олганлари йўқ.

Аммо бошқа нарса тўғрисида ҳам гапирмоқчиман. Республикада ҳам, шунингдек область ва район даражасида ҳам агросаноат комплексини бошқариш структурасини тезроқ қайта кўриб чиқишни турмуш қатъий тақозо этмоқда. Ҳозир колхозларимиз, совхозларимизнинг ва агросаноат комплекси корхоналарининг республикадаги 10 дан зиёд турли идораларга иши тушмоқда, бу эса ишга халақит қилиб, қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришнинг мавжуд резервларидан тўла-тўкис фойдаланиш имконини бермайди.

Республиканинг бошқа регионлари каби бизнинг областимиз ҳам қутилмаган совуқдан қаттиқ зарар кўрди. 137 минг гектар ернинг салкам 90 минг гектарида чигит қайта экилди. Совуқ урган сабзавот ва бошқа қишлоқ хўжалик экинлари қайтадан экилмоқда. Қишлоқ хўжалигидаги аҳвол ниҳоятда оғир. Ҳозир ташаббусни хўжалик ходимлари ихтиёрига бериб қўйишнинг, йўл-йўриқлар ва тўғаноқлар кишани билан уларнинг ҳаракатларини бўғиб қўймасликнинг, деққонга эрк беришнинг айни вақтидир.

Биз область агросаноат комплексини бошқариш системасини қайта ташкил этишга доир таклифларимизни Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг комиссиясига тақдим этдик ва иккинчи ярим йилликдан бошлаб шу системага ўтиш умидидамиз. Таклифимиз қўллаб-қувватланади, деб ўйлаймиз.

Тошкент шаҳрида мураккаб социал-иқтисодий вазият вужудга келмоқда. Докладда ҳам уқтириб ўтилганидек, республика пойтахтини иқтисодий ва шаҳар қурилиши жиҳатидан ривожлантириш узоқ вақт давомида хўжалик юритишнинг экстенсив усуллари таъсири остида бўлди. Ишлаб чиқариш ҳажмларини социал ва коммунал инфраструктурани мутаносиб равишда ривожлантиришдан ажралган ҳолда ошириб бориш шаҳар хўжалигини ривожлантиришда жиддий номутаносибликларнинг кучайишига олиб келди. Йил сайин шаҳарда турли муассасалар, корхоналар, базалар, омборлар тартибсиз қурилмоқдаки, уларни бошқа жойларда ҳам бемалол барпо этиш мумкин эди. Экологик жиҳатдан зарарли корхоналарни қайта ташкил этиш, Тошкентнинг ичида жуда катта майдонни эгаллаб ётган антенналар, турмалар ва бошқа объектларни территориядан ташқарига чиқариш масалалари пайсалга солинмоқда. Ҳозирги вақтда шаҳар территориясидаги 25 минг гектар майдондан фақат 11 минг гектари уй-жойлар билан банд, бунинг устига уларнинг 70 процентидан кўпроғи кам қаватли иморатлардир. «2010 йилгача бўлган даврда Тошкент шаҳрини социал-иқтисодий ривожлантиришни интенсивлаш» махсус ҳукумат программасининг яқин вақт ичида қабул қилиниши вужудга келган танг аҳволдан қутулишнинг йўли бўлиши мумкин, деб ҳисоблаймиз. Биз ҳозир ана шу программани ишлаб чиқишни авж олдириб юбордик ва бунга шаҳар жамоатчилигини кенг жалб этяпмиз.

Докладда зўр ташвиш билан гапириб ўтилган яна бир муаммо — жиноятчиликнинг ўсишидир. Республикада содир бўлаётган жиноятларнинг учдан бир қисмидан кўпроғи Тошкент области ва Тошкент шаҳри ҳиссасига тўғри келаётганлиги ҳуқуқни муҳофаза қилиш органларининг ишида жиддий камчиликлар борлигидан далолат беради, албатта. Ички ишлар органлари кўпгина ходимларининг малака савияси ҳали етарли эмас. Партия ташкилотлари, совет органлари кенг жамоатчилик табақаларини социал иллатга қарши курашга отлантира олмадилар. Ҳозир биз мана шу муаммолар устида иш олиб боряпмиз ва интизомни бутун чоралар билан мустаҳкамлаш зарурлиги тўғрисидаги доклад тезисини, ҳамма жойда ва ҳар ишда социалистик қонунчиликни таъминлашга доир чора-тадбирларни тўлатўкис қўллаб-қувватлаймиз.

Шу билан бирга, бизнинг фикримизча, ички ишлар органларининг моддий техника таъминотини жиддий равишда яхшилаш масалаларини кўриб чиқиб ҳал этиш лозим бўлур эди.

Жамият олдида турган мураккаб вазифаларни ҳал этишда кўп нарса кадрларни танлашга ва уларни қайта қуришнинг энг муҳим соҳаларида жой-жойига қўйишга боғлиқдир. Кадрларнинг амалий равишда, ошкора кўрсатилган резервини тайёрлаш, уни ўқитиш тўғрисида ғамхўрлик қилиш, раҳбарни бир неча номзод орасидан танлаб сайлаш, уларнинг меҳнат коллективлари олдида вақт-вақти билан ҳисобот бериб туришлари область партия ташкилотининг мана шу ишини янгилашнинг асосий бўғини бўлиб қолди. Бу ишда ҳали талайгина камчиликлар ҳам бор. Кўпинча бу иш етарлича мунтазамликнинг йўқлиги сабабли кампаниябозлик билан, ноизчил олиб борилмоқда. Ножўя иш қилган коммунист раҳбарларни бошланғич партия ташкилотларини четлаб ўтиб жазолаш фактларига барҳам беришга муваффақ бўлинмади. Шу билан бирга, айрим масалаларни марказ ҳаддан ташқари регламентга солиб қўйганлиги кадрлар сиёсатини янада демократиялашга ҳали тўсқинлик қилмоқда. Шу пайтгача республика партия органларига бошқа ишлардан озод этилган ходимларнинг ставкаларини белгилаш масалаларини мустақил ҳал этиш ҳуқуқи берилмаганлиги тўғрими, ахир. Бизнингча, суҳбатлардан ўтиш ва сайлаб қўйилган партия ходимларини тасдиқлаш практикасини анча соддалаштириш талаб этилади.

Докладда тўғри қайд этиб ўтилганидек, бошланғич бўғинларнинг, қолаверса умуман республика партия ташкилотининг жанговар қобилияти кўп жиҳатдан янги кучлар келиб қўшилганлиги билан боғлиқдир. Область партия комитети КПСС Марказий Комитетининг «Тошкент область партия ташкилотининг партияга қабул қилиш ва партия сафларини мустаҳкамлашга доир ишидаги жиддий камчиликлар тўғрисида»ги қарорини бажара бориб, партияга кирувчиларни танлаб олиш ҳамда уларни тайёрлаш масаласида шаҳар ва район партия комитетларига кўпроқ мустақиллик берди. Бу масалага мунтазам тус беришга ҳаракат қиляпмиз. Ўтган йили номзод этиб қабул қилинган ҳар саккиз кишининг бири қолоқ ёки мураккаб участкага юборилди. Кейинги икки йил ичида ҳар икки номзоднинг бири унга тавсиянома берган коммунистлар билан бирга йиғилишда ҳисобот берди. Коммунистларни аттестациядан ўтказиш ўзини ўзи поклашнинг самарали воситаси эканлигини кўрсатди.

Бугунги кунгача 50 минг нафардан зиёд ёки аттестациядан ўтиши лозим бўлган коммунистларнинг учдан бир қисмидан кўпроғи билан суҳбат ўтказилди. Аттестация якунларига кўра 5 мингдан ортиқ коммунист партиявий жазо олди, 700 га яқин киши партиядан ўчирилди. Буларнинг ҳаммаси коммунистларнинг фаоллигини кучайтиришга муайян тарзда кўмаклашди. Шундай бўлсада, биз КПСС Марказий Комитетининг қарори бажарилишидан қониқа олмаймиз. Биз ўзимизнинг қарорларимиз бажарилиши устидан суст назорат ўрнатганлигимиз, партия комитетларига нисбатан талабчанликни пасайтирганлигимиз, уларга етарлича методик ёрдам бермаётганлигимиз кўп жиҳатдан шунга олиб келди.

Жойларда партия ташкилотларига ёрдам бериш учун Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети партия сафларини шакллантириш муаммоларини назарий жиҳатдан ишлаб чиқишга илмий кучларни ҳам жалб этиши мақсадга мувофиқдир. Бизнингча, партия аъзосининг социал мавқеи категориясини белгилаш системаси ҳам аниқланиши зарур, бу эса шу хусусда жойлардан берилаётган кўпгина саволларга чек қўйган бўлур эди.

Давр биздан қатъий, одатдан ташқари хатти-ҳаракатлар, дадил ёндашувларни талаб этмоқда. Бугунги пленумнинг қарори ҳам шундай бўлиши керак, деб ўйлаймиз. Бу қарорда партиявий ишнинг шакл ва усулларини янгилашга қаратилган аниқ-равшан бандлар кўпроқ бўлишини истардик. Бу эса партия комитетлари ва ташкилотларининг ушбу пленум қарорларини бажара бориб, қайта қуришни амалий ишлар билан мустаҳкамлашларига ёрдам беради.

Ўртоқ М. А. ЗОИДОВ нутқи

ЎЗБЕКИСТОН ССР ХАЛҚ ТАЪЛИМИ МИНИСТРИ

Ҳурматли ўртоқлар! Яқин орада бошқарувнинг янги ташкилий механизми — Ўзбекистон ССР Халқ таълими министрлиги тузилганига бир йил тўлади, бу министрлик олдига республикада халқ таълими соҳасида ягона давлат сиёсатини ўтказиш вазифаси қўйилган.

Ишимизда қайта қуришнинг бир қанча ижобий нишоналари сезилиб турибди. 8.000 та мактабда 4,5 миллион ўқувчи таълим олмоқда. 3,5 минг мактаб типовой бинолларда жойлашган, ушбу бинолларда таълим-тарбия жараёнини яхши ташкил этиш учун барча имкониятлар бор, бундай мактаб бинолари муттасил кўпайиб бормоқда.

Эртага республиканинг педагогик матбуотида ўқиш ўзбек ва рус тилларида олиб бориладиган мактаблар учун янги ўқув планларининг министрлигимиз ишлаб чиққан икки варианти эълон қилинади. Мактаб программалари, дарсликлар батамом янгиланмоқда. Министрлик халқ таълимини компьютерлаштиришнинг аниқ, мақсадли мўлжаллаган комплекс программасини ишлаб чиқди ва жорий этишга киришди: Қорақалпоғистон АССРда, республика областларида 522 та ўқув-ҳисоблаш техникаси билан жиҳозланган синфлар бор. Ўн учинчи беш йилликнинг охирига келиб, бундай синфлар ҳар бир мактабда бўлади.

Ҳунар-техника таълими, олий ва ўрта махсус мактабни қайта қуриш соҳасида реал силжишлар содир бўлди. Аммо КПСС Марказий Комитетининг апрель Пленумида рўй-рост айтилганидек, бизнинг олға қараб силжишимизга халал бераётган бир омил бор. Кўп қарорлар, жумладан халқ таълимини ривожлантириш борасидаги тадбирлар ҳам молиянинг реал аҳволи ва экономиканинг имкониятлари зарур даражада ҳисобга олинмасдан қабул қилинди. Республикада 1991—1995 йилларда Ўзбекистон ССРнинг социал-иқтисодий тараққиётини жадаллаштириш ва аҳоли фаровонлигини ошириш программаси лойиҳаси кенг кўламда муҳокама қилинаётган ҳозирги вақтда Марказий Комитет аъзоларига халқ таълими соҳасидаги ишлар аҳволи хусусида айтиб қўйишим зарур, деб ҳисоблайман, М. С. Горбачев таъкидлаганидек, халқ таълимидаги бу аҳвол социализм тараққиёти билан, қайта қуриш билан бевосита боғлиқдир.

Бутун мамлакатда бўлганидек, республикада ҳам халқ хўжалигининг равнақи, агар биз ўтмиш йиллардаги хатоларни такрорлашни истамасак, айни вақтда кадрлар масалалари бутун комплексини таъминлаш билан бирга бориш керак. Акс ҳолда келгуси беш йилликда ҳам, келажакда ҳам сурункали номутаносибликлар юзага чиқиши муқаррардир.

Аммо ана шундай ёндашув тўла-тўкис амалга оширилаётгани йўқ. Масалан, программа лойиҳасига кўра, ўн учинчи беш йилликда қўшимча тарзда 750 минг иш жойини ҳозирлаш назарда тутилмоқда. Агар ишчилар сони кўпайишини смена коэффициентини ҳисобга олмай кўриб чиқадиган бўлсак, бу ҳолда ҳам белгиланган миқдордаги иш ўринлари учун малакали ишчилар тайёрлаш мақсадида 1991—1995 йилларда 73,2 минг ўринли янги комплекслар қуриш ва мавжуд ҳунар-техника билим юртларини кенгайтириш керак, бунинг учун фақат Халқ таълими министрлиги системаси учунгина 400 миллион сўмлик капитал маблағ зарур бўлади.

Айни вақтда моддий базанинг шу йўсинда равнақ топиши назарда тутилаётгани йўқ. Мамлакатнинг бошқа районларидаги йирик саноат корхоналари билан бевосита алоқалар боғлаб, ишчи кадрлар тайёрлашни кенгайтиришнинг янги истиқболи ҳам бу муаммони тўлалигича ҳал қилмайди, бу қадда 14 майда бўлган кенгашда Р .Н. Нишонов гапирган эди.

Агар олий ва ўрта махсус таълим равнақи истиқболини тилга оладиган бўлсак, программа лойиҳасидан таклифларни амалга ошира бориб, биз 1996 йилда ҳам ўқув-лаборатория майдонлари жиҳатидан мамлакатда амалда бўлган нормаҳивлардан олий мактаб соҳасида 2,5 баравар, ўрта махсус ўқув юртларида 3 баравар, олий мактабларда ётоқхоналар билан таъминланиш жиҳатидан эса 4 баравар, ўрта махсус ўқув юртларида худди ана шу кўрсаткич бўйича 8 баравар орқада қоламиз.

Бошқача айтганимизда, республикадаги олий мактаб ва ўрта махсус мактаб ҳозиргидек суръатлар билан ривожланадиган бўлса, ана шу мактаблар олдига қўйилган вазифаларни ҳал этиш учун 20—25 йил талаб қилинади. Биз республиканинг социал-иқтисодий тараққиётини кадрлар билан таъминлаш борасида министрлигимиз зиммасига тушаётган катта масъулиятни тушуниб турибмиз ҳамда мавжуд моддий-техника базасида ёшларга таълим-тарбия бериш самарадорлигини ошириш учун халқ маорифининг барча бўғинларидаги ходимларга талабчанликни ошириб бормоқдамиз.

Агар биз Ўзбекистон ССР социал-иқтисодий тараққиётини жадаллаштиришнинг таъминлашда инсон омили тутадиган ўрнини оғизда эмас, амалда эътироф этадиган бўлсак, у ҳолда ҳар бир министрлик, идора ва бирлашма бўйича малакали ишчилар, олий ва ўрта махсус маълумотли мутахассислар бўлган реал эҳтиёжни XIII беш йиллик ва 2000 йилгача бўлган даврнинг ҳар бир йили учун белгилашни бутун масъулият билан коммунист раҳбарларга топширишимиз лозим, бундай ишчилар ва мутахассислар тайёрлаш учун шартномавий муносабатларни жорий этишимиз ва харажатларнинг бир қисмини ана шу министрликлар, идоралар ва бирлашмалар зиммасига юклашимиз керак.

Ўртоқлар! Ўзбекистон ССР аҳолиси ўсишининг асосий омили унинг табиий кўпайишидадир, республикада ҳар йили 700 мингдан кўпроқ бола туғилмоқда ва туғилишнинг ўсиш тенденцияси сақланиб турибди. Тараққиётимиз планларининг ҳисобкитобларида демография омилини тўла-тўкис ҳажмда ҳисобга олмаслик мумкин эмас. Ўзбекистон ССРда мактабгача тарбия доимий болалар муассасалари билан таъминланиш 34,5 процентни ташкил этади. Демак, республикадаги 2,3 миллион бола мактабгача тарбия муассасаларига бориш имкониятига эга эмас. Айни вақтда мавжуд ўринларнинг 343 мингтаси (ўндан бир қисми) мослаштирилган бинолларга тўғри келади.

1988 йилда 48,4 минг ўринли мактабгача тарбия муассасалари фойдаланишга топширилди, программа лойиҳасига кўра, XIII беш йилликда 600 минг ўринли, яъни ҳар йили 120 минг ўринли мактабгача тарбия муассасаларини қуриш ва фойдаланишга топшириш назарда тутилмоқда.

Бизнинг ҳисоб-китобларимизга қараганда, 1996 йилнинг январига келиб, мактабгача тарбия муассасаларига муҳтож бўлган болалар 4 миллион нафардан ҳам ортиб кетади. Агар қурилишнинг планда назарда тутилган суръатларига амал қилинадиган бўлса (бу суръатлар ҳозиргига нисбатан икки ярим баравардан кўпроқ ортиқдир), худди ана шундай ҳолда ҳам болаларнинг доимий мактабгача тарбия муассасалари билан таъминланиши республикада программа лойиҳасида кўрсатилганидек 65 процентни эмас, 36,2 процентни ташкил этади.

Бунинг устига, ана шундай одим ташлаб бориб ва демография омилини ҳисобга олиб ўн тўртинчи беш йиллик якунларига кўра, 2001 йилда ана шундай муассасалар билан таъминланганлик 45,9 процентни ташкил этади. Бошқача айтганимизда, келгуси асрнинг бошларида ҳам Ўзбекистондаги ёш авлоднинг ярмидан кўпроғи мактабгача тарбия болалар муассасалари шароитида тарбияланиш ва ўсиш имкониятидан маҳрум бўлади.

Мактаб соҳасида ҳам худди шунга ўхшаш мураккаб вазият таркиб топмоқда. Программа лойиҳасида ўн учинчи беш йилликда бир ярим миллион ўринли мактаблар қуриш ва фойдаланишга топшириш назарда тутилмоқда, яъни ҳар йили 30 минг ўрин бунёд этилади. Бу — яхши. Ҳозир биз республикада 4 миллион 600 минг контингент учун 3 миллион 600 минг ўқувчи ўрнига эгамиз, айни вақтда 1 миллион 200 минг ўрин мослаштирилган бинолардадир, мактабларнинг 70 процентида машғулотлар икки сменада ўтказилмоқда.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети, республика Олий Совети Президиуми ва ҳукумати 1987 йилда авария ҳолатидаги мактаб биноларини 1990 йилгача батамом тугатиш тўғрисида қарор қабул қилган эди. Ўшанда авария ҳолатидаги мактаблар биноси 390 та эди. Ўзбекистон ССРнинг 1989 йилги иқтисодий ва социал тараққиёт давлат плани лойиҳаси ва бюджети муҳокама қилинаётганида, мен республика Олий Совети сессиясида сўзга чиқиб, 62 та авария ҳолатидаги мактаб биносини бартараф этиш ўн иккинчи беш йиллик планларига кирмай қолганини, яъни юқорида зикр этилган қарорнинг бажарилмаслигига йўл қўйилганлигини ташвишланиб гапирган эдим.

Министрлик Қашқадарё область партия комитети ва область ижроия комитети билан биргаликда, кейинчалик бошқа областлар билан баҳамжиҳат мактабларни батафсил паспортлаштириш ишини бошлаганларида эса ҳозирги кунгача умуман республикада бузиб ташланиши лозим бўлган бир мингтадан кўпроқ авария ҳолатидаги мактаб бинолари борлиги аниқланди.

Бу йилги кўкламнинг оғир об-ҳаво шароити ана шуни яна бир карра тасдиқлади. Ҳозир биз шу масала хусусида ҳукуматга зарур таклифларни тайёрламоқдамиз. Бизнинг ҳисоб-китобларимизга қараганда, 1996 йилнинг 1 январига келиб мактабларнинг ўқувчилари сони 5,5 миллионга етади. Агар қурилишнинг планлаштирилаётган суръатларига риоя қилинадиган бўлса (бу суръатлар ҳозиргига нисбатан бир ярим баравар ортиқдир), худди ана шундай ҳолда ҳам машғулотларни бир сменада ташкил этиш учун 729 минг ўқувчи ўрни етишмай қолади, айни вақтда 437 минг ўрин илгаригидек мослаштирилган мактаб бинолларига тўғри келади.

Бунинг устига, ана шундай одим ташлаб борадиган бўлсак ҳамда демография омилини ҳисобга оладиган бўлсак, ўн тўртинчи беш йиллик якунларига кўра, 2001 йилда машғулотларнинг бир сменада бўлиши учун 583 минг ўқувчи ўрни етишмай қолади.

Ҳурматли ўртоқлар! Биз иқтисодий аҳвол мураккаблигини тушуниб турибмиз ва иложи бўлмаган ишни талаб қилмоқчи эмасмиз, халқ таълимини планлаштиришда қолдиқ принципини истисно этишга эришмоқчи эканмиз, Марказий Комитет аъзолари халқ таълимидаги мавжуд аҳволни билишлари лозим, деб ҳисоблаймиз. Республика социал-иқтисодий тараққиётини жадаллаштириш программаси лойиҳаси муҳокама этилаётган ҳозирги босқичда республиканинг Давлат план комитети, министрликлар ва идоралар илгари сурилган масалаларни яна бир карра диққат-эътибор билан кўриб чиқишлари, ушбу масалалар директив органлар томонидан халқ хўжалиги тараққиётининг нуфузли йўналишлари сифатида белгиланганлигини назарда тутишлари керак.

Ўртоқ У. К. КУННАЗАРОВ нутқи

НУКУС ШАҲАР ПАРТИЯ КОМИТЕТИНИНГ БИРИНЧИ СЕКРЕТАРИ

Ўртоқлар! Бугун пленумда муҳокама қилинаётган масала бизни бутун бошдан ўйлашга мажбур этяпти. Қайта қуриш давомида неча ўн йиллар мобайнида системамизда йиғилиб қолган хунук бузилишларни тугатишга киришганда партия жуда ғайриодатий аҳволга тушиб қолди.

Рўй-рост гапирадиган бўлсак, демократиялаш ва ошкоралик шароитида баъзи жойларда маълум «Демократик иттифоқ» ва «Бирлик» ҳаракати деб аталган типдаги турли-туман норасмий ташкилотлар борлиги аниқланди. Бу ташкилотларнинг муайян бир қисми, афсуски, экстремистик, бузғунчилик позициясида туриб, кўпинча порахўр ва миллатчи унсурлар билан биргаликда иш тутмоқдалар, республика партия ташкилотини қисиб қўйишга, муайян вазиятларда эса ҳатто уни раҳбарлик ролидан маҳрум этишга уринаётганликлари кўриниб турибди. Бу ташкилотлар миллатчилик руҳидаги қўлёзма варақалар, сиёсий шиорларни тарқатишга интилаётганликлари Қорақалпоғистон халқини, коммунистларини ғазаблантирмоқда. Бу — болаларнинг шўхлиги эмаслигини тўғридан-тўғри айтмоқ керак.

Аммо, менинг назаримда ўртоқ Мирқосимовнинг нутқида бундан ташвишланиш сўзлари айтилмади, биз, Марказий Комитет аъзолари бугун Марказий Комитет Бюросидан, Секретариатидан, республика оммавий ахборот воситаларидан мана шу салбий ҳодисаларга қарши курашда янада қатъийроқ, ҳужумкорроқ ишлашни талаб қилишга ҳақлимиз.

Биз ҳаммамиз шиддатли сиёсий кураш шароитида яшаш ва ишлашни ўрганишимиз керак, ҳозирча кўпларимиз бунга тайёр эмасмиз. Шу боисдан ҳам бугунги пленумда маҳаллий Советларга сайлов арафасида биз мазкур салбий ҳодисаларга принципиал сиёсий баҳо бериш учун аниқ стратегия ва тактикани ишлаб чиқишимиз жуда зарур. Маҳаллий Советларга сайлов тўғрисидаги Қонунни пухта ўйлаш керак, акс ҳолда муқаррар камчиликларга йўл қўйилиши мумкин.

Бизнинг кучимиз — партия сафларининг бирлигидадир. Ўтган асрдаёқ қорақалпоқ адабиётининг классиги Бердақ бизга: «Қабилалар якдил бўлса, ҳеч қандай кўч бизга писанд эмас» деб васият қилганлиги бежиз эмас.

Ўртоқлар!

Ҳозир жамиятда рўй бераётган жараёнлар, бу жараёнларнинг баъзан қайта қуришнинг катта йўлидан четга чиқаётганлиги кўп жиҳатдан сиёсий ташаббуснинг жўшқинлиги билан белгиланади, аммо бизда айни мана шу нарса кўпинча етишмай қоляпти. Бу ўринда мен автоном республикамиз партия комитетларини ҳам, умуман республика партия ташкилотини ҳам назарда тутяпман. Икки-уч ой, энг яхшиси ярим йил-бир йил илдамроқ ҳаракат қила бошлаган жойларда иш ғуръати юқорироқ, натижалари эса социал-иқтисодий, сиёсий соҳада ҳам салмоқлироқ бўлиб чиқаётганини биз шаҳар партия комитетида жуда яхши сезиб турибмиз.

Масалан, Орол каби ўткир муаммони олиб кўрайлик. Кейинги вақтларда область партия комитети, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг ташаббуси билан бу муаммо юзасидан жиддий қарорлар қабул қилинди, биз жамоатчилик билан аввал муҳокама қилганимиздан кейин истиқболли таклифлар киритилди. Ана шунда афкор омма биз томонга, партия томонига бурила бошлагани дарров сезилиб қолди. Бироқ ўз-ўзини таниқид юзасидан айтишим керакки, ҳамма жойда ва ҳамиша ҳам шундай бўлаётгани йўқ, қайта қуришдан шахсий ва экстремистик манфаатларни қондириш учун ниқоб тарзида фойдаланмоқчи бўлган кучлар эса ташаббусни қўлга олмоқдалар. Автоном республикада ҳам, умуман Ўзбекистонда ҳам шундай мисолларни кўплаб топиш мумкин.

Иккинчи иллатимизнинг қайтарилиши — сўз билан ишнинг бир жойдан чиқмаслиги — ҳозирги ишимиздаги бошқа бир принципиал камчиликдир. Биз кўпгина чиройли программа ва қарорлар қабул қиляпмиз-у, уларни бажаришни унутиб қўймоқдамиз.

Масалан, кўпгина министрликларнинг, коммунистларнинг Қорақалпоғистон АССР юзасидан ва Орол бўйидаги экология вазиятини соғломлаштириш муаммолари юзасидан КПСС Марказий Комитети билан СССР Министрлар Советининг қарорлари сўзсиз бажарилишини таъминлаш соҳасидаги ижрочилик интизоми пастлиги бизни ташвишга солмоқда. Автоном республиканинг ҳамма районлари ва пойтахти маълум сабабларга кўра мушкул аҳволга тушиб қолганликлари равшан. Аҳоли регионимиз ривожланишдан орқада қолганини ва буни келтириб чиқарган сабабларни тушунади. Меҳнаткашлар Ўзбекистоннинг планлаштирувчи ташкилотларини бизнинг бошимизга тушган кулфатларни тугатишга халақит бераётган асосий бўғин эканлигини ҳақли равишда танқид қилмоқдалар, деб ўйлайман.

Автоном республика пойтахтини социал-иқтисодий ривожлантириш, унинг саноат потенциали муаммоларини олиб кўрайлик. Бу ерда замонавий тушунчадаги биронта саноат корхонаси йўқ. 200 минг аҳоли яшайдиган шаҳарда бир йил мобайнида атиги 100 миллион сўмликка яқин саноат маҳсулоти ишлаб чиқарилаётганига, бу маҳсулот аҳоли жон бошига 500 сўмликдан ошмаслигига ажабланмаса ҳам бўлади. Саноатда ишловчиларнинг халқ хўжалигида машғул бўлган ҳамма кишиларга нисбатан бўлган улуши атиги 11 процентни ташкил қилади. Бу фактни автономия эҳтиёжлари билан ҳисоблашишни истамаслик деб ёки бундай номутаносибликларни белгилаб бераётган кимсаларнинг шунчаки уқувсизлиги дебгина изоҳлаш мумкин.

Ҳозир иш жойлари етишмаслиги сабабли шаҳардаги меҳнатга лаёқатли аҳолидан 3 мингдан кўпроқ киши иҳтимоий фойдали меҳнат билан шуғулланмаяпти. Ҳолбуки, автоном республика шанига квартираларни ва давлат мулкини ўғирлаш камаймаётганлиги ва иш билан банд бўлмаган аҳоли озаймаётганлиги ҳақида ҳақконий танқидий гаплар айтилди.

Аммо министрликларнинг айби билан бўяш-пардозлаш фабрикаси, рўзғор чиқитларини қайта ишлайдиган беда уруғини ажратадиган заводлар, полиэтилен зовур қувурлари ишлаб чиқарадиган тажриба-ишлаб чиқариш базаси, дон маҳсулотлари комбинати ва бошқа муҳим объектлар қурилиши беш йиллик тугаб бораётган бўлишига қарамай ҳали ҳам бошлангани йўқ, ўртоқлар.

Шундай бўлсада, КПСС Марказий Комитети билан СССР Министрлар Советининг қарори бажарилишини барбод қилган ва шу тариқа партия билан ҳукуматнинг обрўсини тўккан Ўзбекистон министрларидан биронтаси мардлик ва гражданларча онглилик кўрсатиб, истеъфога чиқмаганлиги кишини ажаблантиради.

Мана шуларнинг ҳаммаси Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети, унинг Бюроси, Секретариати ва бўлимлари кўз ўнгида рўй бермоқда. Ҳамаси, республика Министрлар Совети каби улар зарда қилишни хоҳламайдилар ва шу сабабли масъулиятсизликка тоқат қилиб келмоқдалар. Башарти, биз қайта қуришни сафсатабозларча сўзамоллик билан кўмиб ташлашни хоҳламасак, бу аҳвол давом этишига йўл қўймаслигимиз керак. Бизнинг ваъдаларимиз одамларнинг меъдасига тегди, энди улар сўзга ишсмаяптилар, яхшилик сари амалда силжиш бўлишини талаб қилмоқдалар, мана шундай силжиш бўлмайдиган бўлса, бизга, партия ходимларига ҳам ишонч қолмайди. Бу жараёнларни пайқамаслик, айниқса, унга қарши ҳеч қандай чора кўрмаслик — кечириб бўл

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг XIII пленуми

ҚАЙТА ҚУРИШНИ КУЧАЙТИРАЙЛИК, ИШДА ТАШАББУСКОР БЎЛАЙЛИК

Доклад юзасидан музокаралар

(Давоми. Боши иккинчи бетда).

Ўзбекистон ССР Министрлар Советида бизга Туямўйин сув омборидан сув оладиган «Туямўйин — Нукус — Тахтакўпир» сув тармоғининг биринчи навбати шу йил ёки 90-йилда қуриб битказилади, деб ваъда қилган эдилар. Энди эса мамлакатда мана шундай зарур қувватга эга бўлган насос ишлаб чиқарилмаслиги ва уни Руминияга буюртма бериш кераклиги маълум бўлиб қолди. Ваҳолонки, КПСС Марказий Комитети билан СССР Министрлар Советининг иккита маълум қарорида шу сув тармоғининг ишга туширилиши аниқ белгилаб қўйилган эди. Шу сабабли, сув тармоқлари ишга туширилгунча Тахиатош тўғони яқинида сув омбори қуриш тўғрисидаги масала ҳал қилиниши керак. Бу сув Нукусга ва Тахиатош ГРЭСига керак, чунки бизга сув қрим кунлик запас билангина етиб келмоқда. Бу масалаларни зудлик билан ҳал қилиш керак, чунки одамлар ичадиган сув йўқ. Биздаги сув заҳарли химикатлар, нитратларнинг даҳшатли аралашмасидан иборат бўлиб, одамлар ёппасига касал бўлаётганининг асосий сабабидир, ўртоқлар. Бир ўйлаб кўринглар, ўтган йили Қорақалпоғистон аҳолисининг 40 процентдан кўпроғи диспансерлашдан ўтказилган бўлса, шу тадбир берган маълумотларга кўра, одамларнинг 63 проценти бир неча хил касалга чалинган. Катталар чидаб туришибди, аммо учдан икки қисми касал ҳолда туғилаётган болаларга биз нима дея оламиз. Бу масалада бир соат ҳам кечикишимизни авлодлар кечирмайди.

Агар биз партия органлари билан ижрочи органларнинг вазифаларини аниқ белгилаб қўйишга амалда эришсак, иш яхшироқ боради. Биз ҳозир бу тезисни фақат оғизда эълон қиляпмиз. Агар аҳвол шундай давом этаверадиган бўлса, келгусида ҳам Марказий Комитетдан тортиб, бошланғич партия ташкилотигача бутун партия бюрократизмда айбланаверади.

Ҳозир бизнинг автоном республикамизда одамлар билан кенг миқёсда мулоқот қилина бошланди, ой сайин биз зиёлилар, илмий ва ижодкор ходимлар, уруш ва меҳнат ветеранлари, студентлар ва мактаб раҳбарлари билан учрашиб турибмиз. Бу тажрибани давом эттириш керак, деб ўйлайман. Биз ҳамма масалаларни, ҳатто миллий масалаларни ҳам биргаликда муҳокама қиляпмиз. Одамлар бизнинг ҳузуримизга мамнунлиқ билан келишмоқда. Ҳозирнинг ўзидаёқ баъзи масалалар ҳал этилмоқда. Аммо бу масалаларда ҳам Марказий Комитетнинг идеология бўлими бизга йўл-йўриқ кўрсатса, яхши бўлур эди. Масалан, яқинда ғайрисоциал кўринишларга қарши кураш юзасидан яхши қарор қабул қилинди, аммо бу қарор камида ярим йил кечикди-ку, ахир.

Омма орасидаги ишнинг сиёсий усулларини эгаллаб олиш шу муаммоларни ҳал қилишдаги бош йўл-эканини биз аниқ-равшан тушуниб турибмиз. Марказий Комитетдан бошлаб бошланғич партия ташкилотигача қайта қуришнинг амалда ишлаб турган штаблари бўлиб қолиши учун сайлаб қўйилган органларнинг ўзини даставвал қайта қуриш, уларнинг фаолиятини кучайтириш йўлларини ҳар томонлама ўйлаб кўриш керак. Шу нуқтаи назардан қараганда биз ҳам марказий, ҳам маҳаллий органлар комиссияларининг ишини авж олдиришни кечиктириб қўйдик. Масалан, идеология комиссияларининг фаолиятини олиб кўрайлик. Коммунистлар бизга социализм ленинча концепцияси нимадан иборат, социалистик мусобақанинг тақдири нима бўлади ёки иқтисодий мусобақа уни қисиб чиқарадими, синфий идеология билан социализмни инсонпарварлаштириш муаммоси ўртасидаги нисбатлар нималардан иборат, деган кўпдан-кўп саволларни бермоқдалар. Мана шу саволларнинг ҳаммасига жавобларни биз газета ва журналларимиздан, радио ва телевидениедан, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети Бюросининг аъзолари ва Марказий Комитет аъзоларининг нутқларидан жавоб олиш имкониятига эга бўлишимиз кераклигини айтиб ўтмоқчиман. Қарорларда бу саволларга жавобларнинг кечиктирилиши ёки Марказий Комитет томонидан область ва районларда экстремист унсурларга партия ходимлари муносиб зарба бермаяптилар, деб масъулиятни нуқул маҳаллий идеология ходимлари зиммасига юклаб қўйилганлигининг қайд этилиши билан муаммо ҳал бўлмайдиган кўринади.

Ҳозир бошланғич партия ташкилотлари фаолиятини кучайтириш соҳасида аниқ-равшан амалий иш олиб борилиши ҳам керак. Ҳолбуки, биз раҳбарликнинг сиёсий усулларини эгаллашга оид ишланмалар ва тавсияларга эга эмасмиз, бошланғич партия ташкилотлари билан ишлашга оид йўл-йўриқлар билан қуролланмаганмиз.

Виёлилар орасида миллий муносабатларни рўкач қилиш ҳавосини олган коммунистлар ҳам бор. Ҳақиқатда ўзини партиядан ташқарига қўйган, партия аъзолигига номуносиб қарашларни тарғиб қилаётган кишиларга нисбатан партия Устави амал қилиши лозим, деб ўйлаймиз.

Ўртоқлар! Қайта қуриш тактикаси хилма-хил, ранг-баранг, у ижобий ҳодисаларни ҳам, салбий ҳодисаларни ҳам ҳал этиш йўлларини кўзда тутади. Аммо, КПСС Марказий Комитетининг, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг, мамлакат ва республика ҳукуматларининг мададкорлиги ва ҳамдамлиги биз, Қорақалпоғистон коммунистларига умид бағишламоқда. В. П. Анишчев раҳбарлигидаги Ўзбекистон Олий Совети депутатлик группасининг актив ишлаётганлиги шундан далолат беради. КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюросининг аъзоси, Марказий Комитет секретари Е. К. Лигачевнинг автоном республикага келганлиги зўр эътиборнинг тасдиғидир. Ў Орол ва Оролбўйи муаммолари билан танишганлиги, унинг иштирокида ўтказилган кенгашда ишлаб чиқилган чоратадбирларнинг амалий руҳда эканлиги одамларимизнинг эртанги кунга, Орол яшаяжагига бўлган умидини кучайтиради.

Ўртоқ Д. С. ЁДГОРОВ нутқи

БУХОРО ОБЛАСТЬ ПАРТИЯ КОМИТЕТИНИНГ БИРИНЧИ СЕКРЕТАРИ

Ўртоқлар! КПСС Марказий Комитетининг 1989 йил апрель Пленумидаги ўз вақтида айтилган ўткир гаплар ҳар биримизга таллуқли бўлиб, қайта қуришнинг муқаррарлиги ишончли кафолотини таъминлаш тўғрисида жон куйдиришга мажбур қилмоқда. Ҳақиқатан ҳам биз тарихий миқёсдаги вазифаларни ҳал этмоқдамиз, аммо одамларни энг аввало ҳозирнинг ўзидаёқ турмуш реал шароитларининг тез яхшиланиши имкониятлари қизиқтиради.

Ҳўжалик юритишнинг янги шароитига ўтиш область экономикасини соғломлаштириш жараёнини кучайтиришга ёрдам беради. Саноатда ишларнинг аҳволини ўнглаб олишга муваффақ бўлинди, ишлаб чиқариш ҳажми ва меҳнат унумдорлиги ошди. Ишлаб чиқарилаётган маҳсулот сифати яхшиланди.

Капитал қурилишдаги қолоқлик тугатилди, уй-жой ва социал маданий-маиший объектларни фойдаланишга топшириш қўпайди. Асосий экин — ғўза ҳосилдорлиги ошди, чорвачилиқ маҳсулотлари етиштириш ва давлатга сотиш кўпайди. Халқ хўжалигининг бошқа тармоқларида ҳам ижобий ўзгаришлар бўлмоқда. Ушоқлик ва тартиб кучайди.

Энг муҳими эса — одамларнинг меҳнатга муносабати ўзгармоқда, улар ишлаб чиқаришни бошқаришда иштирок этишнинг, ишлаб чиқаришнинг чинакам хўжайини бўлишнинг реал имкониятларини кўриб турибдилар. Шу билан бир вақтда бизнингча, харидорлар талабини қондиришда юз берган жиддий тақчиллик ижтимоий кескинликнинг асосий сабабидир.

Сир эмас, баъзи коллективларнинг ишга чиқмаслик ҳоллари юз берди, Ромитан районида Биринчи май байрамида безорилик қилинди, миш-мишлар, варақалар тарқатиш йўли билан жамоатчиликни онгига таъсир ўтказишга уринишлар бўлди... Область партия комитетининг бюроси, партия активлари бундай фактлардан кўз юма олмайдилар, улар тушунтириш ишларини олиб бормоқдалар, аҳоли фикрини тинглаб, ўртага қўйилган масалаларни ҳал қилмоқдалар.

Шу билан бир вақтда ҳали ҳозирча бошланғич партия ташкилоти иқтисодий ислоҳотни ўтказишда ҳаракатларни мувофиқлаштирувчи асосий кучга айлангани йўқ. Социологик тадқиқотларнинг натижаларига қараганда ишлаб чиқариш тармоқларидаги партия ташкилотларининг 120 секретари иқтисодий ислоҳотни амалга оширишда коммунистларнинг таъсири бўшлигини таъкидлаган. Бунинг устига уларнинг 7,5 проценти партия ташкилоти қайта қуришнинг ана шу ҳаётий муҳим йўналишидан амалда четда турибди, деган фикрни билдирди.

Бундан ташқари, партия ташкилотлари бўладиган сайловларда аввалги даврлардагидек, «юқоридан» кўрсатма берилишини кутиб туравердилар. Юз берган ана шундай вазиятда биз область партия комитетида барча категориядаги кадрлар ва активларни ўқитдик, лекин олдингидаги каби уларнинг олдига вазифа қўймадик, балки биргалашиб ҳаракат қилиш тўғрисида келишиб олдик. Нима иш қилишини ҳар ким билар эди, бунинг устига кўпроқ одамлар орасида бўлишни, уларнинг ижтимоий онгини активлаштиришни асосий мақсад қилиб қўйдик.

Ҳаётнинг ўзи вазиятни чинакам назорат қилиб туриш учун одамларнинг кайфиятини билиш ва афкор оммани мунтазам, асосли равишда ўрганиш лозимлигини кўрсатди. Ана шу мақсадда область партия комитети ҳузурида прогноз қилиш ҳамда юз берадиган зиддиятларга нисбатан дарҳол чора кўриш билан шуғулланадиган комиссия тузилди.

Ҳозир одамлар бизнинг ҳаракатларимизни тўғри тушунишди, айрим гуруҳлар билан суҳбатлашиш натижасида уларнинг кайфиятидаги норозиликларга барҳам берилди, деб айтиш мумкин.

Докладда экономиканинг аграр секторидаги, партиянинг Озиқ-овқат программасини амалга оширишдаги муаммолар ҳақида гапирилди. Мен ҳам шу ҳақда тўхталиб ўтмоқчиман, чунки областимиз асосан аграр область ҳисобланади.

Компартия Марказий Комитети хўжалик юритиш сиёсатида пахта якка ҳокимлигидан ер-сув ресурсларидан оқилона ва илмий асосда фойдаланишга ўтиш, алмашлаб экишни жорий этиш, экология жиҳатидан софлик учун курашиш ташаббускори бўлди. Бу ташаббус жуда яхши. Лекин кўп ишларга ҳамон эскича ёндашилмоқда.

Масалан, область партия комитети ва область ижроия комитети Озиқ-овқат программасини амалга ошириш соҳасидаги ишлар, чорвачилик маҳсулотлари етиштиришни кўпайтириш масалалари юзасидан республика органларига бир неча бор мурожаат қилиб, пахтачиликдан келадиган қўшимча маҳсулот — кунжара билан чигит пўстлоғидан шу жойнинг ўзида фойдаланиш тўғрисида таклиф киритди. Бу таклифнинг фойдали эканлиги равшан. Ғалла экилган бир гектар ердан қанча озуқа бирлиги олинса, бир гектар пахтазордан ҳам ана шунча озуқа бирлигига тенг кунжара ва чигит пўстлоғи олинади. Ҳисоб-китоблар шуни кўрсатмоқдаки, ана шу маҳсулотлар ҳисобигагина область хўжаликларида гўшт ва сут етиштиришни учдан бир баравар кўпайтириш мумкин.

Бироқ бизнинг таклифларимизга ҳозирча ҳеч қандай жавоб қилинмади. Агар очиғини айтадиган бўлсак, ҳозирги вақтда ҳатто планга қўшимча олинган маҳсулот ҳам тўла-тўкис равишда областдан ташқарида тақсимланади. Бу эса КПСС Марказий Комитети билан СССР Министрлар Советининг «Мамлакат агросаноат комплексида хўжалик юритишнинг иқтисодий механизмини янада такомиллаштириш тўғрисида»ги қарорига зиддир.

Яна бир вазият бу масалани ғоят ўткир қилиб қўймоқда. Биз шахсий ёрдамчи хўжаликларни ривожлантириш чораларини кўряпмиз, докладда айтилганидек, шахсий хўжаликларда моллари боқиб семиртириш наф келтиришига одамларни ишонтирмоқдамиз. Ҳозир 800 та шахсий деҳқон фермалари тузилди, уларда 3,5 минг бош қорамол боқилмоқда. Когон районидаги «Коммунизм» колхозидан Саид Сафаровнинг бир ўзи областдан ташқаридан 21 бош қорамолни сотиб олиб, бу йил давлатга 5 тонна гўшт ва 7 тоннадан кўпроқ сут топширади. Бундай мисолларни яна келтириш мумкин.

Бироқ бу фермалар емхашак билан таъминланишига аҳолида ҳам, корхона ва хўжаликларнинг раҳбарларида ҳам ишонч йўқ. Бу эса чорвачиликда оилавий ижара пудратини ривожлантиришга тўсқинлик қилмоқда.

Планлаштирувчи органларнинг эски услуби, баъзан эса уларнинг ишга юзаки муносабати хўжалик юритишнинг янги шакллари ривожланишига, уларнинг ижтимоий ишлаб чиқаришга қўшадиган ҳиссасини кўпайтиришга халақит бермоқда. Мана бир мисол, XIII беш йилликда Ўзбекистон ССРни социал-иқтисодий ривожлантиришнинг апрель ойида газеталарда эълон қилинган программасида пахта етиштириш ҳажми қисқартирилиши билан бир вақтда ҳар бир территорияда илмий жиҳатдан асосланган кўрсаткичлар белгилаб қўйилиши айтилади. Мен планлар қандай ўзгарганлигини аниқлаш учун барча областлар бўйича кўрсаткичларни ҳисоблаб чиқдим. Маълум бўлишича, ҳар бир областга ўртача 20 минг тоннадан пахта яна қўшиб қўйилган, шу тариқа олдинги даврлардаги каби республикада пахта плани бажарилмай қолишининг «олди олинган». Ҳисоблаб чиқилса барқарор 5 миллион тонна ўрнига планда 5 миллион 210 минг тонна пахта етиштириш режалаштирилган бўлиб чиқди.

Ана сизга илмий ёндашув. Хўш, план ва давлат интизоми қаёқда қолди? Республикадаги ўртоқлар агросаноат комплексининг марказий органларини қайта ташкил этишга берилиб кетиб, конкрет вазифаларни ҳал қилишни унутиб қўяётганга ўхшайдилар.

Ўзбекистон Компартиясининг Марказий Комитети партиянинг аграр сиёсатини амалга ошириш учун хато ва нуқсонларга йўл қўйган раҳбар коммунистларга нисбатан талабчанликни оширишни, улар амалда ишни қайта қуришларига эришишни лозим, деб ҳисоблайман.

Май ойининг дастлабки кунларида табиатнинг ўлкамизда мислсиз нижиқликлари гувоҳи бўлдик — Арктика совуқ ҳаво оқими Ўзбекистон территориясигача етиб келди. Натижада қишлоқ хўжалигига жуда катта зарар етди, Бухоро областининг ўзидагина тахминан 100 миллион сўмлик зарар етди. Лекин қишлоқ меҳнатчилари саросимага тушмадилар, бир ёқадан бош чиқариб, табиий офатга қарши курашга отландилар. Табиат инжиқлигининг фалокатли оқибатлари бартараф этилишига ишончимиз комил.

Шу муносабат билан давлат агросаноат комитети ва республика Госстрахидаги ўртоқларга айтадиган истагимиз бор — табиий офат шикаст етказган барча хўжаликларга, аммо энг аввало хўжалиқ ҳисоби асосида ишлаётган ижарачилар ва коллективларга тез ёрдам қилингиз.

Ўртоқлар! Республика партия ташкилотини соғломлаштириш юзасидан партия Марказий Комитети ўтказаётган катта иш сафларимизни порага сотилган амалдорлардан тозалади, республикада маънавий-психологик муҳитни яхшилашга имкон берди. Шу билан бир вақтда қайта қуриш жараёнлари авж олган сари ишимизнинг услубидан, кадрларимиздан ташвишланиш тобора сезиларли бўлиб бормоқда.

Чунки тажрибаси кам партия ходимларининг янги авлоди иш бошига келди, улар қайта қуриш шароитида амалда иш давомида тайёргарликдан ўтмоқдалар. Биз танқид қилаётган давр партиявий ишимизга жуда катта зарар етказди. Маънавий қашшоқлик, ахлоқий қашшоқлашиш ҳатто ёшларга ҳам таъсир қилди. Аммо биз ана шундай шароитда қайта қуриш ғояларини амалга оширишга қодир бўлган ижодкор, фаол кишиларни қидириб топишга ҳаракат қилмоқдамиз.

Бироқ кадрлар масаласини ҳал қилишда раҳбарларни бир неча киши орасидан танлаб олишдек тартиб қарор топаётган бир пайтда эски принциплар ҳамон амал қилмоқда ва бу тартибга очиқдан-очиқ зид келмоқда. Ҳақиқатан ҳам икки ва ундан ҳам кўпроқ номзод орасидан раҳбарни танлаб олиш тартиби турмушда тобора кўпроқ қарор топмоқда. Бунинг устига ана шу номзодлардан қайси бири танлаб олинишини олдиндан айтиш қийин. Айни бир пайтда кўзда тутилган номзодни суҳбатлашиш учун юқори органларга юбориш ҳақидаги талаблар ўз кучини сақлаб турибди. Хўш, суҳбатдан ўтган номзод сайланмай қолсачи? Ёки ҳамма номзодларни суҳбатга юбориш керакми?

Яхшиси маҳаллий партия органларига кўпроқ ишониш керак, деб ўйлайман. Ўтган йилнинг ўзидагина областда алмаштирилган область, шаҳар, район партия комитетлари номенклатурасидаги 880 ходим конкурс асосида сайланди. Область партия комитетининг секретари, Свердлов ва Ғиждувон район партия комитетларининг секретарлари, Файзулла Хўжаев район Совети ижроия комитетининг раиси бир неча номзод орасидан сайланди.

Кези келганда шуни ҳам айтиш керакки, ишнинг юришиб кетиши учун кадрларни танлаш ва уларни кўтаришда маҳаллийчиликка, группа худбинлигига йўл қўймайдиган, демократиялаш жараёнини кенгайтиришга фаол ёрдам берадиган аниқ, замонавий йўл-йўриқлар керак.

Пировардида шуни ҳам айтмоқчиман. Мен жамиятимиз тараққиётининг ҳозирги ғоят мураккаб босқичида ўзини йўқотиб қўймай, юз бераётган воқеалар диалектикасини чуқур тушуниб етишга уринаётган кишилар билан бирдамман. Қайта қуриш сиёсатини бойитишга интилаётган, социализм ва унинг идеалларига содиқлигини ғап билан эмас, балки амалий иш билан исботлаётган, социализмни янгилаш вазифаларини конкрет ишлари билан ҳал қилишга интилаётган одамлар билан ҳамнафасман.

Ўртоқ В. И. ЧЕРНОШТАН нутқи

САМАРҚАНД ХИМИЯ ЗАВОДИНИНГ ЛАБОРАНТИ

Ўртоқлар! Бугун биз сизлар билан КПСС Марказий Комитети апрель Пленумининг қарорларини муҳокама қиляпмиз. Агар М. С. Горбачев докладини, пленумда сўзга чиққан ўртоқларнинг нутқларини умумлаштирадиган бўлсак, мазкур пленум — партия интизомини қарор топтириш, КПСС XXVII съезди, XIX Бутуниттифоқ партия конференцияси ва КПСС Марказий Комитетининг кейинги Пленумлари қабул қилган қарорларнинг изчиллигидир, деган хулосага келиш мумкин.

Мен шу нуқтаи назардан республикамиздаги баъзи раҳбар коммунистларнинг фаолиятига баҳо беришни истардим. Заводимиз бир неча йил давомида планни бажармай келди. 1988 йилда эса биз биринчи марта планни бажардик. Бунга заводни икки йил давомида хўжалик усули билан реконструкциялаш туфайли эришилди. Реконструкциялаш иши ҳозир ҳам давом этмоқда. Биз апрель ойида сульфат кислота цехини реконструкциялаш учун тўхтатиб қўйдик. Бугун корхона коллективи минерал ўғит ишлаб чиқариш планини бажариш, ҳатто пландан ташқари маҳсулот беришга тайёр. Аммо бизда бир қанча ҳал этилмаган муаммолар бор. Улардан биринчиси оҳак етказиб беришдир.

КПСС Марказий Комитети ва СССР Министрлар Совети оҳак билан таъминлашни республика Министрлар Совети зиммасига юклаган эди. Ҳукуматимиз бу муаммони қандай ҳал этяпти ва заводимизга қай тариқа ёрдам беряпти? Завод Министрлар Советининг Раиси Ғ. Ҳ. Қодировга илтимос билан бир неча бор мурожаат қилди. Биз республика Халқ контроли комитетининг раисига ва «Правда Востока» газетасининг редакциясига ҳам мурожаат қилдик. Бироқ, афсуски, барча мурожаатларимиз эътиборсиз қолдирилди.

Шу йил март ойида республика Министрлар Советининг мажлиси бўлиб, заводни оҳак билан таъминлашда унга ёрдам бериш тўғрисида яхши резолюция қабул қилинди ва ваъдалар берилди. Аммо ана шу резолюция ҳам, ваъдалар ҳам бажарилмай қолди.

Мен ана шу ўртоқлардан бундай қарорлар қабул қилиб, бажармаслик мумкинми, — деган саволга жавоб эшитишни истардим. Ахир бу бизнинг партиявий интизомимиз-ку. Эҳтимол, «Бирлик» деб аталмиш ташкилотдаги муҳолифларимиз мана шундай интизомсизликдан фойдаланишаётгандир?

Афтидан, Министрлар Совети, биринчи галда мана шу соҳа учун жавоб берадиган ўртоқ В. В. Сударенков муаммоларимиз билан жиддий шуғулланиши ва уларни ҳал этиши лозим.

Мен мамлакатимиздаги қайта қуриш қабул қилинган барча қарорларимизни 100 процент бажарганимиздагина ғалаба қозонади, деб ҳисоблайман. Шунинг учун ҳам мен ана шу ўртоқларнинг бундан буён қабул қилинадиган барча қарорларни қандай бажармоқчи эканликлари тўғрисидаги жавобларини эшитишни истардим. Ўртоқ Қодиров заводимизга келиб, иш ҳақи ололмаётган ишчилар ҳузурида қабул қилинаётган қарорларни қандай бажараётганлиги тўғрисида ҳисобот беришини истардик.

Яна бир масала хусусида гапирмоқчиман. Биз қишлоққа минерал ўғит етказиб берамиз, хўжаликлар эса бунинг эвазига ҳақ тўлашни истамаяптилар. Уларнинг қарзи 17 миллион сўмни ташкил этади. Мана шу сабабдангина завод 1989 йилда ишлаб чиқариш ва янги техникани ривожлантириш учун зарур фондга, социал ривожлантириш фондига, моддий рағбатлантириш фондига, заводимизни, поселкамизни социал-маданий-маиший ривожлантириш учун етарли маблағга эга эмас.

Биз қишлоққа маҳсулот етказиб бериш вазифасини бажармасликка ҳаққимиз йўқ, чунки бу давлат буюртмасидир. Агар бизга план камайтирилишини сўрасак, бизга бу мумкин эмас, деб тушунтирадилар. Коллективни қийин молиявий аҳволга қўйиб, маҳсулотга ҳақ тўламаслик мумкинми? Буни қандай тушуниш керак?

Келинглар, зўрлик билан эмас, балки чинакам шерикчилик шароитида ишлайлик. Биз бу масала хусусида Қашқадарё, Сирдарё, Бухоро, Самарқанд областларининг партия комитетларига, ижроия комитетларига, республика Халқ контроли комитетига, республика Министрлар Советига, республика Давлат агросаноат комитетига мурожаат қилдик ва бирор марта ҳам жавоб олмадик.

Бу ҳам коммунист раҳбарларнинг интизоми ва топширилган иш учун масъулияти тўғрисидаги масаладир. Ғарчи қарорлар қабул қилар эканмиз, уларни бажаришимиз лозим.

Агар ишчилар тўғрисида гапирадиган бўлсак, биз планни бажариш ва пландан ташқари маҳсулот етказиб бериш учун бутун кучимизни сарфлаймиз.

Ўртоқ Р. М. ХУДОЙБЕРГАНОВА нутқи

ХОРАЗМ ОБЛАСТЬ ПАРТИЯ КОМИТЕТИНИНГ БИРИНЧИ СЕКРЕТАРИ

Ўртоқлар! КПСС Марказий Комитетининг 1989 йил апрель Пленумида партия Марказий Комитетининг ва маҳаллий партия органларининг қайта қуриш тақдири учун масъулиятини ошириш тўғрисида ғоят рўй-рост, принципиал гаплашиб олинди. Ҳозир ҳаммамиз имкони борича камарбаста, собитқадам, ишчан бўлишимиз, қатъий интизом ва талабчанлик керак. Одамлар гап-сўзлардан, амалий ҳаракатларни бўғишдан чарчадилар ва қайта қуришдан сезиларли натижалар кутмоқдалар.

Турмушнинг ҳамма соҳаларини чуқур қайта қуриш ишлари қийинчилик билан, баъзан жуда оғриқли тарзда рўй бермоқда, душманларимизнинг қаттиқ қаршилигига дуч келмоқда, уларнинг таъсирига етарли баҳо бермасдан бўлмайди.

Мана шундай шароитда партия ташкилотлари ташаббусни доимо қўлдан бермасликлари жуда муҳимдир. Одамлар барча куч-ғайратларимиз уларнинг фаровонлигини таъминлаш мақсадини кўзлаётганини равшан кўриб туришлари лозим. Энди фақат даъватлар ва ваъдаларнинг ўзи камлик қилади, айниқса социал соҳада озроқ бўлса ҳам, аммо яхшилик сари кўзга кўринадиган силжишларга эришиш пайти келди. Бизнинг область партия комитетимиз ўз олдига мана шу мақсадни қўйган.

Социал-маданий-маиший объектлар, айниқса уй-жой қурилишини жадаллаштириш чора-тадбирлари кўрилди. Ўтган уч йил мобайнида ишга туширилган мактаблар миқдори бутун аввалги беш йилликда ишга туширилган мактаблар миқдорига тенг келади. Касалхона ва поликлиникаларни ишга тушириш плани бажарилди. Бироқ, барча социал объектлар бўйича ҳали муаммо ўткир бўлиб турибди. Хўжалик ҳисоби, ижара, кооперация ривожланиб бормоқда. Саноат комбинатлари ва қайта ишлаш корхоналари барпо этилмоқда. Шахсий ҳовлижойларни ривожлантиришга алоҳида эътибор беряпмиз, бу жиҳатдан биз докладда айтилган фикрларга тўла-тўкис қўшиламиз. Бир хўжалик мисолида биз бу масалаларни ҳал эта бошладик. Бу иш ҳозирнинг ўзидаёқ сезиларли натижалар бермоқда.

Область партия комитети сиёсий усуллар билан ҳаракат қилишга интилмоқда. Бироқ партия комитетлари комиссияларининг, бўлимларининг фаолияти соҳасида кўпгина чигалликлар, бир талай ноаниқликлар бор. Уларнинг штатлари «қирқиб» қўйилган. Аммо адолат юзасидан шуни айтиш керакки, кейинги вақтларда Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети ва унинг Бюроси қайта қуриш пайтининг конкрет, ҳаётий муҳим масалаларини тез-тез муҳокама қила бошладилар. Масалан, КПСС Марказий Комитети билан СССР Министрлар Советининг Орол денгизига оид қарори бажарилишини назорат қилувчи ўртоқ В. П. Анишчев бошчилигидаги депутатлик группасининг фаолиятини олайлик. Бу группа партия билан ҳукуматнинг Орол атрофида яшовчи кишилар учун зўр аҳамиятга эга бўлган қарори қандай амалга оширилаётганини ой сайин синчиклаб муҳокама қилмоқда.

Бошқа областларда бўлгани каби бизнинг областимиздаги вазият ҳам кўп жиҳатдан партия раҳбарларининг демократиялаш ва ошкоралик шароитидаги сиёсий ишга тайёргарлик даражасига боғлиқ эканлиги тобора равшан бўлиб қолмоқда. Ҳамма ҳам бу ишга тайёр эмаслиги кўринди қолди. Бир вақтлар кадрларга оид сиёсатда катта хатоларга йўл қўйилган эди. Мана энди ўша ҳато ўз таъсирини кўрсатмоқда. Биздаги партия, совет ва жамоат ташкилотларида тажрибали ходимлар мутлақо етишмаяпти. Шу сабабли янгича ёндашувларни излашга-тўғри келмоқда, резервдаги кадрлар билан ишлашга асосий эътибор берилмоқда, резерв эса демократик асосда ошкора шакллантирилмоқда. Область партия комитетининг шу йил апрель ойидаги пленумида область партия комитетининг секретарлари лавозимига резерв кўрсатилди. 15 номзоднинг номи айтилди, уларнинг рўйхати область газеталарида эълон қилинди. Коммунистларнинг, кенг жамоатчилик фикрини ўрганяпмиз. Ҳозирнинг ўзидаёқ мазкур номзодлар юзасидан турли фикрлар, мулоҳазалар, ва таклифлар тушди. Область, шаҳар, район партия комитетлари секретарларининг резервдаги кадрлар билан, ёш мутахассислар билан, олий ўқув юртлари ва ўрта махсус билим юртлари юқори курс студентлари билан, шунингдек мактабларни битириб чиқувчилар билан учрашувлари одат тусига кириб қолди.

Шундай қилиб, резервни шакллантириш, унга аниқ мақсадни кўзлаб таълим бериш системаси ишлаб чиқилмоқда. Икки йил мобайнида область партия комитети номенклатурасидаги ходимларнинг 70 проценти резервдан кўрсатилди. Шу билан бирга бизнинг назаримизда, айниқса хўжалик раҳбари сайловини ўтказишнинг мавжуд механизми ҳали унчалик мукаммал эмас. Айрим коллективлар партия ва жамоат ташкилотларининг тавсияларини эътиборга олмай, ўзлари учун «қулай», унчалик талабчанлик қилмайдиган раҳбарларни афзал кўрган ҳоллар бўлди.

Кадрларга оид ишни яхшилашда биз бир қанча областларнинг ёрдамига таянямиз, масъул ходимларни мамлакатнинг кўпгина регионларидаги партия комитетларига стажировкага юборяпмиз.

Ҳозир областда миллий—рус икки тиллилигини ривожлантиришга эътибор кучайди, бироқ бизда рус тили ўқитувчилари, шунингдек бошқа бир қанча предметлар юзасидан ўқитувчилар етишмаяпти. Биз мана шу масалаларнинг ҳаммаси билан яқиндан ва конкрет равишда шуғулланишимиз керак.

Ўртоқлар! Хоразм — Қорақум билан Қизилқум оралиғидаги чоғроқ бир воҳа эканлиги ҳаммага маълум. Бизда янги ерларни ўзлаштириш имкониятлари тугаб бўлган, аҳоли эса кўпайиб бормоқда. Одамларни иш билан таъминлаш муаммоси кескинлашмоқда. Иш билан таъминламаслик эса айниқса ёшлар орасида салбий ҳодисаларга олиб боради. Экология вазияти ёмонлашиб бораётганлиги эса бу муаммони баттар ишкаллаштирмоқда. Ерлар жуда шўр босиб кетган, уларни 3-4 марта ювишга тўғри келмоқда. Сувдан фойдаланиш коэффициенти паст, суғориш учун керакли сув эса ерга шимилиб кетмоқда. Шу сабабли икки минг километрдан кўпроқ ариқ ва каналларга бетон ётқизиш зарур. Ҳолбуки бизга бу ишлар учун атиги 50 километр ариқ ва канални бетонлаш учун етарли миқдорда жуда оз маблағ берилмоқда. Ҳозирги вақтда бир қанча жойлардаги коллектор сувлари асосий ичимлик манбалари бўлмиш Амударё билан Шовот каналига ташланмоқда.

Бухоро, Қашқадарё, Чоржўй областларидаги коллектор оқаваси ташланаётган Амударёнинг сувини бизнинг областимиз, биздан кейин эса Қорақалпоғистон аҳолиси ичяпти. Ташлама системалар қуриш учун капитал маблағ керак. Сув ресурсларини тежаш мақсадида илгаридан суғориб келинаётган ерларни реконструкциялаш ва қайта қуриш, каналлар тубига бетон ётқизиш ишлари кўзда тутилган. Бунинг учун ҳам 1990 йилда ва умуман XIII беш йилликда капитал маблағни кўпайтириш масаласини ҳал қилиш зарур.

Шу кунгача ҳам қишлоқ хўжалик экинларини суғоришнинг энг мақбул режими тўғрисида норматив ҳужжатлар йўқ. Сув тежашнинг асосий тадбирларини нималар асосида ишлаб чиқиш керак?

Озиқ-овқат программасини ҳал этишда муаммолар бор. Областда аҳоли жон бошига гўшт истеъмоли мамлакатдагидан уч баравар кам, республика кўрсаткичидан эса икки ҳисса паст. Ўзимиз етиштирган гўшт ҳисобидан шу маҳсулотга бўлган эҳтиёжни атиги 41 процент қондиряпмиз. Омихта емнинг етишмаслиги эса чорвачиликни ривожлантириш имконини бермаяпти. Биз бу масалани неча марталаб ўртага қўйдик. Мендан аввал сўзга чиққан ўртоқлар чорва моллари учун қимматли озуқа бўлмиш қунжара, чигит пўстлоғи ҳақида гапиришди. Башарти шу маҳсулотнинг ярмини областнинг ўзида қолганида ҳам бу нарса ҳар йили қўшимча равишда 6,5 минг тонна гўшт етиштириш, яъни жамоат секторида етиштирилган гўшт миқдорини 1,5 баравар кўпайтириш имконини берган бўлур эди. Ҳозир эса бизга кунжаранинг атиги 5 процентини қолдиришмоқда.

Озиқ-овқат масаласини ҳал этиш иложини топишга интилиб, хўжалик органларимиз Россия Федерациясининг Кострома ва Калуга областларидаги ерларни ижарага олмоқдалар. Ҳозиргача 12 та кооператив тузилди, бизга 20 минг гектар ҳайдаладиган ер ажратиб берилди. Бироқ, неча минг километрлаб нарида қишлоқ хўжалик маҳсулотлари етиштиришни ташкил этишда муайян қийинчиликлар келиб чиқмоқда. Ўз еримизда эса область беш-етти минг тонна картошка оляпти, Хоразмнинг 1 миллион аҳолиси учун бу — жуда оз. Бизда аҳоли жон бошига сабзавот ва мева истеъмол қилиш даражаси медицина нормаларидан анча кам.

Ўйлаймизки, Хоразм областига чегарадош бўлган Қорақалпоғистон Автоном Республикаси, Бухоро области ва Туркманистоннинг Тошовуз области ўзлари фойдаланмаётган ерларни бизга ўзаро манфаатли шартлар билан узоқ муддатли ижарага беришга рози бўлсалар, бу нарса озиқ-овқат ресурсларини кўпайтиришдан иборат умумий ишга хизмат қилган бўлур эди. Бу масалани ҳал этишда биз Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетидан ёрдам сўраймиз.

Бу таклифнинг амалга оширилиши меҳнатга лаёқатли аҳолимизнинг иш билан таъминланишини оширишга кўмаклашган бўлур эди. 2000 йилгача область аҳолиси 1 миллион 360 минг кишидан ошади, бўш меҳнат ресурслари эса 18—20 процентни ташкил қилади. Бизга бамисоли технология занжиридек хом ашёни қайта ишлашдан тортиб, тайёр маҳсулотни ишлаб чиқариш билан шуғулланувчи объектлар кўпроқ керак. Бу масала юзасидан ҳам биз бир қанча таклифларни тақдим этганмиз, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетига, республика ҳукуматига мурожаат қилганмиз. Умуман XIII беш йиллик программасини республика бўйича узил-кесил кўриб чиқиш пайтида бизнинг таклифларимиз эътиборга олинади, деб умид қиламиз.

(Музокараларнинг давоми газетанинг навбатдаги сонида босилади).

ҲАМЗА САБОҚЛАРИ

ИНҚИЛОБЧИ ШОИР ТУҒИЛГАН КУННИНГ 100 ЙИЛЛИГИГА

Қўшиқ дарҳол Фарғонага, водийга, Туркистонга ёйилди. Сарлавҳадаги «Яша, Шўро!» («Даздравствуют Советы!») сўзлари русларга таниш бўлса ҳам, ўзбеклар учун бокира, ниҳоятда лўнда сўзлар эди ва бу ибора дарҳол янги даврнинг алифбоси, унинг даъвати ва манифести бўлиб онг-шуурда қарор топди.

Яша Шўро, яша Шўро,
Сен яшайдирган замон!
Ишчи ўғли, шуҳратингдан
Балқисин рўйи жаҳон!

Октябрь инқилобидан кейин сал ўтмай бу қўшиқ оғизга тушди. Ўша кезлар ўлка аҳли яна бир янги қўшиқ — «Ҳой, ишчилар!»ни ҳам куйлар эди. Шоирнинг кончи, тўқувчи, металлургга мурожаат қилиши бу ерда, Шарқда янгилик эди.

Шу ашулалар текстини ҳам, куйини ҳам Ҳамза Ҳакимзода Ниёзий ёзган эди.

Шоир қисқа умр кўрган бўлса ҳам кўп ишлар қилишга улгурди. Ундан кўп пьеса, романлар, повестлар, шеърий тўпламлар Ҳамза қаламига мансубдир. Тарихга у ўзбек саҳнасининг, музика маданиятининг ислоҳотчиси, дастлабки миллий операларнинг муаллифи, созанда, режиссёр ва журналист, педагог ва жамоат арбоби бўлиб кирди.

Маълумки, Владимир Маяковскийнинг «Мистерия-буфф» асари совет драматургиясининг дастлабки намунасидир. Аммо худди ўша 1918 йилда, олис Туркистон ўлкасида Ҳамза «Жаҳон сармоясининг сўнгги кунлари» эртак-томошасини яратди. Асар сарлавҳасининг ўзидаёқ давр нафаси — янги ҳаёт камарбасталарининг қатъияти ва азму қарори акс этди. Бу икки асар ҳам давр тақозо этган социал муболаға усулида ёзилди. Уларнинг ҳар икковида ҳам воқеа бош қаҳрамондир, рамзлар ҳам деярли бир хил. Иккала асар ҳам Октябрнинг бир йиллиги муносабати билан ёзилган бўлиб, бири Москвада, иккинчиси Фарғонада саҳналаштиришга мўлжалланган эди.

Ҳамза «Жаҳон сармоясининг охирги кунлари» билан бир вақтда классиканинг қатъий анъаналари йўсинида «Бой ила хизматчи» драмасини ёзди. Пьеса муҳаббат ва рашк, эзгулик ва ёвузлик, ҳаёт ва ўлим сингари абадий тушунчалар билан йўғрилгандир. Ҳозирги кунларда ҳам бу асарнинг ҳар бир постановкаси (Тошкентдаги Ҳамза номли театрда ҳар йили янги мавсум ана шу спектакль билан очилади) пьеса замиридаги худди ана шу абадий қадриятларни тўлароқ рўёбга чиқаради, айни вақтда кўтарилган муаммолар актуал бўлиб қолаверади.

Буюк ўзгаришлар давридагина ана шундай шахслар пайдо бўлади. Ҳамза эса инқилоб фарзанди эди, инқилобнинг новаторлик руҳи унинг сиймосида мужассам бўлди, шоир қиёфаси инқилоб Совет Шарқининг қоғонига узвий тарзда сингиб кетганлигининг жонли тасдиғидир.

Адибнинг яна бир хислатини таъкидлашимиз лозим бўлади. Шоирлар шаҳри Қўқонда туғилиб ўсган Ҳамза ўз ижодида Саъдий ва Навоий, Фуқат ва Муқимий анъаналарини давом эттирди. Крилов ва Пушкин, Лермонтов ва Горький ижодини яхши билган бетакрор истеъдод соҳиби ва аллома Ҳамза Ҳакимзода Ниёзийнинг 1920 йилда Коммунистлар партияси сафига кирганлиги табиийдир. Бу яна бир карра шундан далолат бериб турибдики, партиямизга аввалбошданоқ теран интеллектуализм хос бўлган эди. Партия Ленин даврида ортирган ана шу хазина зиёлиларди маъқул эди, бу уларни сиёсатга жалб этар эди. Октябрь инқилобидан кейиноқ фақат пойтахтдагина эмас, чекка ўлкаларда ҳам худди Ҳамза сингари маҳаллий ҳаётга ва умуман инқилобнинг равнақига катта таъсир кўрсатган машҳур сиймолар авлоди пайдо бўлгани бежиз эмас.

1929 йилда мутаассиб руҳонийлар шоирнинг жонига қасд қилдилар, мунофиқликка, манфаатпарастликка риёкор руҳонийларга қарши курашиш учун майдонга чиққан Ҳамзани кечира олмас эдилар. Ҳамза эътиқодли атеист эди, лекин баъзан уқтиришаётганидек, адиб динни оёқ-ости қилди, деб бўлмайди, у диндорларнинг ҳиссиётларини ҳурмат қилар эди.

Лекин Ҳамзага нисбатан бошқа томондан ҳам хавф-хатар пайдо бўлган эди. Ўзбекистон ССР Марказий Ижроия Комитетининг қарори билан вафотидан уч йил илгари унга Ўзбекистон халқ шоири унвони берилди, Ниёзий маориф органларида фаол меҳнат қилди. ижоди айни барқ уриб гуллаган палла эди. Аммо давлатда маъмуриятчилик кучқувват йиға бошлади, партиявий ўртоқлик муҳити ўзгарди. Мағрур ва мустақил фикрли Ҳамза биринчилар қатори буни ўз бошидан ўтказди...

Ҳамза омма ўртасида маориф, маданиятни тарқатишни ўз ҳаётининг асосий мақсади деб билди. У инқилобга қадар ҳам бир қанча шаҳарларда масжидлар таъсиридан холи бўлган мактаблар очди, бу мактабларда қироатхонликка ўрин бўлмаган, болалар бошида калтак синмаган эди. Инқилобдан кейин Фарғонада Ниёзий иштирокида очилган биринчи ўрта мактабда у ушбу мактабни қўлига қурол олиб босмачилардан ҳимоя қилар экан, адабиёт ва меҳнатдан сабоқ берди, У дарсликлар, қўлланмалар, педагогик рисолалар ёзди.

Янги турмушнинг муҳим воқеалари тўғрисида шоир сергаклик ва ҳозиржавоблик билан қалам тебратди. Хивада хон тахтидан тушириларганидан кейин «Хоразм инқилоби» драмаси ёзилди. Хотин-қизларни озод қилиш учун «Ҳужум» ҳаракати бошланганида саҳнада драматургнинг «Паранжи сирлари» пьесаси қўйилди. Сайлов кампаниясига тайёргарлик кўрилаётганида шоир «Ҳалол, яхши одамларни сайлайлик» деб хитоб қилди, тилларда достон бўлган «Майсаранинг иши» комедиясини ёзди. Бу — адиб фаол гражданлик эътиқодининг ёрқин намунасидир.

... Ўзбекистон меҳнаткашларини интернационал руҳда тарбиялашга рашидовчилик катта зиён етказди. Миллатлараро муносабатларни такомиллаштириш, миллий-маданий эҳтиёжларни қондириш борасидаги реал иш ўрнига ҳамду сано ўқилди, дабдаба билан хўжакўрсинга тадбирлар ўтказилди.

Ҳозир биз интернационал тарбия борасидаги ишни конкрет йўсинда олиб бормоқдамиз, она тилини ҳам, одамлар ўртасидаги миллатлараро муомаланинг энг муҳим воситаси бўлган рус тилини ҳам ўрганишни тубдан яхшилаш билан боғлиқ бўлган муаммоларни реал негизда ҳал этмоқдамиз. Бу ўринда ҳам Ҳамзанинг мероси қўл келмоқда! У мактабларда она тилида ўқитиш учун ҳам, миллий маданиятни ривожлантириш учун ҳам ғоят кўп иш қилди. Айни вақтда у рус тилини фаоллик билан тарғиб этди, адиб бу тилни «Гуллаб-яшнашимиз учун зарур...» бўлган тил, деб ёзди.

Ҳозир баъзан қўштиллик ўзбек тилини... ҳалок қилади, деган мулоҳазаларни эшитиш мумкин. Бу ғирт ёлғон гап! Ҳамза ўша кезлардаёқ ўз халқининг она тили ва миллий маданияти худди ана шу қўштиллик шароитида барқ уриб яшнашини олдиндан кўра билган эди.

Кимки миллий ҳис-туйғулар билан чайқовчилик қилиб, интернационализм асосларига шубҳа билан қарашга урониб, классиклнинг фикрини «эскирган» деб эълон қилишга ҳаракат қилаётган бўлса, Ҳамзанинг зукколиги, алломалиги олдида бутунлай ютқазиб қўяди. Биз бу ўринда истеъдод даражаси ҳақида гапириб ҳам ўтирмаймиз. Ҳақиқат сабоқларини уқиб олмай, яшаб бўлмайди. Жамиятнинг янгиланиши туфайли ўз тарихига, маданий меросига ва анъаналарига қизиқишнинг кучайганлиги миллий такаббурликка олиб келмаслиги керак.

Республика партия ташкилоти, меҳнаткашлари ўз иқтисодий ва социал муаммоларини ҳал этишга кучғайратларини сарфлаётган бир вақтда (бундай муаммолар Ўзбекистонда анча тўпланиб қолди, салбий ҳодисалар хавфли тарзда тарқалди) ижодкор зиёлиларнинг барча отрядларига катта умид боғламоқдалар. Рўй-рост айтишимиз керакки, зиёлилар ўртасида қайта қуришнинг мақсадлари ва методлари бир хилда тушунилаётгани йўқ. Аммо маданият арбобларининг жамиятни янгилашга кўшаётган ҳиссаси тобора сезиларлироқ бўлиб боряпти. Республикадаги ижобий силжишлар одими яна ҳам жадалроқ бўлиши учун, қайта қуриш ишончли ва самарали бўлиши учун барча имкониятлар бор. Шу мақсад йўлида моддий потенциалнигина эмас, балки бутун маънавий потенциални, барча интеллектуал кучларни сафарбар этиш, жамиятга бадиий ижод билан граждан сифатида белни маҳкам боғлаб хизмат қилиш керак, инқилобчи шоир Ҳамза худди ана шундай хизмат қилишнинг ажойиб намунасини кўрсатган эди.

Р. НИШОНОВ,
Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари.

(«Правда» газетаси, 1989 йил 21 май).

Ўзбекистон ССР Министрлар Советида

(Давоми. Бошн биринчи бетда).

накли меваларнинг жами ҳосили республика аҳолисини таъминлаш учун фойдаланилиши йўлида чоралар кўрсинлар.

Республикадан ташқарига жўнатиш мақсадида ортиқча мева-сабзавот ва бошқа қишлоқ хўжалик маҳсулотини харид қилаётган мамлакат бошқа регионларининг савдо-воситачи кооперативлари Ўзбекистон ССР Давлат агросаноат комитети ва Ўзбекбирлашувнинг тегишли хўжаликлари ҳамда ташкилотлари билан шартномалар тузган бўлишсагина, мазкур операцияларни амалга ошира оладилар, маҳсулотнинг ҳисоб-китоби ва ана шу кооперативлар томонидан ташиб кетилиши масалаларини Ўзбекистон ССР Давлат агросаноат комитети ҳал қилади.

Ўзбекистон ССР Давлат агросаноат комитети, Ўзбекбирлашув ва уларнинг жойлардаги органлари, Ўрта Осиё темир йўл бошқармаси, граждан авиацияси Ўзбекистон бошқармаси, Ўзбекистон ССР Автомобиль транспорти ва йўл хўжалиги министрлиги, Ўзбекистон ССР Ички ишлар министрлиги, Ўзбекистон карантин давлат бошқармаси мева-сабзавот ва бошқа қишлоқ хўжалик маҳсулоти, уруғлик ва кўчатнй ташиш устидан назорат ўрнатсинлар ҳамда карантин қоидаларига қатъий риоя этилишини таъминласинлар. Карантин объектлари билан заҳарланган зонадан маҳсулотларни ташиб кетиш батамом тақиқланади. Карантин сертификатисиз маҳсулотни олиб келиш ва ташиб кетиш мумкин эмас. Ўзбекистон карантин давлат бошқармаси, савдо-воситачи кооперативлар қўлида шартнома бўлса ва мазкур шартнома Ўзбекистон ССР Давлат агросаноат комитетида тегишли тарзда рўйхатдан ўтган бўлса, бу кооперативларга маҳсулотнинг ҳар бир туркуми учун карантин сертификати берилишини таъминласин.

Ўзбекистон ССР Ички ишлар министрлиги республикадан чиқиб кетиладиган йўлларда давлат автоинспекциясининг назорат постларини ташкил этсин, бундан кўзда тутилган мақсад — мамлакатнинг бошқа регионларидан келаётган ва чиқиб кетаётган ҳар бир юк автотранспорти қатнови устидан, республикадан мева-сабзавот ва бошқа қишлоқ хўжалик маҳсулотини ана шу кооперативлар томонидан ташиб кетиш ҳуқуқини берадиган тегишли ҳужжатларнинг расмийлаштирилиши тўғрилигини назорат қилишни таъминлашдан иборат. Ана шундай маҳсулотни республикадан ташқарига ғайриқонуний тарзда ташиб кетишга чек қўйиш юзасидан кўрилган чоралар тўғрисида ҳар ойда Ўзбекистон ССР Министрлар Советига ахборот берилсин.

Ўзбекистон ССР Давлат статистика комитети, Ўзбекистон ССР Давлат агросаноат комитети ва Ўзбекбирлашув биргаликда республиканинг юқори органларига тақдим этиш учун шартномавий баҳоларда плансиз тарқ да республикага олиб келинаётган ва республикадан ташиб кетилаётган мева-сабзавот ва бошқа қишлоқ хўжалик маҳсулоти ҳисоботининг тегишли формасини ишлаб чиқсинлар.

21 май куни Тошкентда ўз ишини тамомлаган Осиё-Тинч океан региони мамлакатлари халқаро хотин-қизлар анжуманининг делегатлари сайёра ишларида фаол қатнашишга азму қарор берганликларини намойиш қилдилар. 20 та мамлакатдан 72 та жамоат ташкилоти, шунингдек бир қанча халқаро ташкилотларнинг вакиллари қатнашган ана шу учрашув анжуман шиорини «Хотин-қизлар дунё учун ва дунё хотин-қизлар учун» деб белгилади.

• Хотин-қизлар анжумани:

ЯКУН ЧИҚАРИЛДИ

Инсониятни иккинчи минг йиллик бўсағасида тўлқинлантираётган муаммолар хусусида беш кун давомида самарали фикрлашув бўлиб ўтди. Кўпдан-кўп учрашув, мунозаралар чоғида хотин-қизларнинг жамият ва оиладаги мавқеи, жаҳоншумул муаммоларни ҳал этиш — халқаро муносабатларни инсонпарвар қилиш, янги халқаро иқтисодий тартиб ўрнатиш, атроф-муҳитни муҳофаза қилишда уларнинг роли тўғрисида гап борди. Анжуман қатнашчиларининг фикрича, Тошкент анжумани тинчлик, қуролсизланиш, хотин-қизлар ҳуқуқларини таъминлаш учун курашда биргаликда ҳаракат қилиш имкониятларини кенгайтирди.

Дўстлик, ишонч, ҳамжиҳатлик муҳити анжуманнинг муваффақиятли ўтишига кўмаклашди. Регион хотин-қизлари ўзларининг Совет Иттифоқидаги дугоналари турмуши билан танишиш имкониятига эга бўлдилар. Улар Тошкентнинг саноат корхоналарида, хонадонларда бўлдилар, Тошкент областининг колхозларига сафар қилиб, у ерда қишлоқ меҳнаткаш аёлларининг ҳаёти ва турмуши билан танишдилар. Чет мамлакатлар билан дўстлик ва маданий алоқа Ўзбекистон жамиятида анжуман қатнашчилари хушнудлик билан қабул қилинди.

Анжуман иштирокчилари СССРда амалга оширилаётган қайта қуришга зўр қизиқиш билдирдилар. Айниқса қайта қуриш хотин-қизларга қандай наф келтирганлиги уларни қизиқтирди. Анжуманда Совет Иттифоқидан қатнашаётган хотин-қизлар «Интурист» маданий-ахборот марказида ўтказилган махсус брифингда ана шу саволларга жавоб қайтардилар. Чет эллик меҳмонлар хотин-қизлар кенгашларининг иш тажрибаси билан танишдилар, мазкур кенгашлар кейинги йилларда жамиятнинг реал сиёсий кучи бўлиб қолди.

Совет хотин-қизлар комитетининг раиси З. П. Пухова анжуман ёпилишида унинг қатнашчиларига мурожаат қилиб, биргаликда олиб борилган ишга якун ясади, унинг натижаларига баҳо берди. Анжуманда сайёрамиз хотин-қизларини тўлқинлантираётган хилма-хил муаммолар хусусида самарали фикрлашиб олинди, деди у. Бу учрашув бизга янги куч бағишлаб, тинчлик, хотин-қизлар ҳуқуқларини таъминлаш учун курашда бизларни бирлаштирди. З. П. Пухова анжуман ишига ҳисса қўшганликлари учун унинг барча қатнашчиларига миннатдорчилик изҳор қилди.

Анжуман ёпилишида сўзга чиққан хотин-қизлар унга муҳим халқаро воқеа деб баҳо бердилар. Мафкура, дин, сиёсий қарашлардаги тафовутларга қарамай, аҳлидрок ва тараққиёт тантаناси, халқлар ўртасида муносабатларни инсонпарвар қилиш учун курашда биргаликда куч-ғайрат сарфлашга интилиш уларни бирлаштириб турганлиги таъкидланди.

Анжуман қатнашчилари БМТ Бош секретари Х. Перес де Куэльярга мактуб қабул қилдилар, унда халқаро ҳамжамиятнинг ядро қуролидан ва зўравонликдан холи дунёга эришишга қаратилган куч-ғайратлари қўллаб-қувватланиши изҳор қилинди. Хотин-қизлар Осиё-тинч океан регионида тинчлик ва барқарорликни таъминлашда барча мамлакатларнинг аёллари билан биргаликдаги ҳаракатларини кучайтиришга тайёр эканликларини билдирдилар. Улар аёллар ва болалар, бир қанча халқлар очлик, қашшоқлик, саводсизлик ва касалликлардан ҳамон азоб чекаётган бир пайтда қўпгина мамлакатларда қуролланиш пойгасига жуда катта маблағлар сарфланаётганлигидан ташвишланаётганликларини изҳор қилдилар. Улар қуроллароғларни қисқартириш туфайли бўшаб қолган маблағлардан социал-иқтисодий муаммоларни ҳал этишда фойдаланиш учун зарур тадбирларни кўришга даъват этдилар.

* * *

Давра столи атрофидаги учрашув халқаро хотин-қизлар анжуманининг энг муҳим воқеаси бўлди, учрашувда Женева битимларини имзолаган мамлакатлар — СССР, Афғонистон, Покистон ва АҚШ вакиллари иштирок этдилар. Хотин-қизлар Афғонистон диёрида тинчликка эришиш учун ўзлари нималар қилишлари мумкинлиги тўғрисида гаплашиб олдилар.

Афғонистон хотин-қизлар кенгашининг раиси масъума Исмати Вардак мамлакатдаги мураккаб вазият тўғрисида сўзлаб берди.

— Афғонистонда рўй бераётган воқеалар чинакам фожиа, — деди у, — уйлар, мактаблар, завод ва фабрикалар вайрон қилинган, ҳар куни болалар ҳалок бўлмоқда. Сингилларимиз 18 ёшдан бева қолмоқдалар. Биз урушдан чарчадик, тинчлик ва осойишталикни истаймиз. АҚШ иштирокидаги Покистон интервенцияси кун сайин халқим бошига янги азоб-уқубатлар келтирмоқда. Илгари бизга барча уқубатларга совет қўшинлари мамлакатда турганлиги сабаб бўлмоқда дейишар эди. Совет қўшинлари Женева битимларини ҳалол бажариб Афғонистондан чиқиб кетди. Бироқ бошқа томонлар ўз мажбуриятларини бажаришни ўйламаяптилар. Мен она сифатида сизларга умид билан мурожаат қиламан ва ёрдам сўрайман. Мен хотин-қизларнинг мамлакатимни ҳимоя қилиб янграган овозини ҳамма жойда тинглашади, деб ишонаман.

Покистон миллий ассамблеясининг аъзоси Сайида Обида Ҳуссайн урушга қарши эканлигини ва Афғонистон заминида ниҳоят қон тўкилиши тўхтатилишини истаётганлигини айтди.

АҚШдаги «Тинчлик учун курашувчи хотин-қизлар» ташкилотининг вакили бўлган Мадлен Даклз мазкур ташкилот ядро хавфига қарши курашни ўз олдига мақсад қилиб қўйган, деди. Америка хотин-қизлари урушга қарши кўпдан-кўп ҳужжатлар қабул қилмоқдалар, аммо ҳозирча улар орасида Афғонистонга таллуқли бирорта ҳам ҳужжат йўқ. АҚШда мужоҳидларни Афғонистон озодлиги учун курашчилар деб тарғиб қилишади. Бу ерда эшитган нарсалар мен учун кутилмаган воқеа бўлди, деди Мадлен Даклз. Мамлакатимга қайтгач, жамоатчилик фикрини ўзгартириш учун имкони бўлган барча ишларни қилишга интиламан.

СССР Фанлар академияси Шарқшунослик институтининг катта илмий ходими Н. Б. Лебедева Покистондаги совет ҳарбий асирлари тўғрисидаги масалани ўртага қўйди. У ўтган йили Покистон элчихонасида бўлиб, Покистон элчисига асирликка тушган солдатлар рўйхатини топширган совет хотин-қизлар делегациясининг аъзоси эди. Н. Б. Лебедева покистонлик хотин-қизларга мурожаат қилиб, улардан совет солдатларининг тақдиридан хабар топиш ва уларнинг Ватанига қайтиши учун ёрдам беришни илтимос қилди.

Хотин-қизлар учрашувга якун ясаб, Афғонистон муаммоси одилона ва инсонпарварлик руҳида ҳал этилишига эришиш учун ўз ҳукуматларимизга таъсир кўрсатиш зарур деган яқдил фикрга келдилар. Улар Афғонистон масаласини ҳал этиш юзасидан хотин-қизларнинг регионал конференциясини ўтказиш, Халқаро демократик хотин-қизлар федерацияси доирасида Афғонистон аёллари ва болаларига ёрдам фонди ташкил этиш, совет ҳарбий асирлари Ватанига қайтиши учун ўзларига боғлиқ барча ишларни қилиш мумкин деган фикрни билдирдилар.

(ЎзТАГ).

ВЕТЕРАНЛАР ТАЖРИБАСИ— СУВ ХЎЖАЛИГИНИ ҚАЙТА ҚУРИШГА

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг секретари Д. Д. Берков билан учрашган сув хўжалиги етти нафар ветерани умумий меҳнат стажи уч ярим асрга тенгдир.

Партия Марказий Комитети республика қишлоқ ва сув хўжалигида юз берган вазиятдан ташвишланмоқда. Бир неча ўн йиллар давомида уларнинг тараққиётида номутаносиблик вужудга келди ва бу номутаносибликнинг таъсири тобора кучаймоқда.

Технология соҳасида ҳам ана шундай номутаносиблик юз берди. Суғориладиган жуда катта майдонлар ўзлаштирилди, лекин ана шу майдонлардан сизот сувларни чиқариб юборишни таъминлаш масалалари ўйлаб кўрилмади. Бу эса мелиорация ҳолатининг ёмонлашувига олиб боради. Орол атрофида экология вазиятининг ёмонлашганлиги алоҳида хавф-хатарни келтириб чиқармоқда.

Ерларнинг сифат ҳолатини қандай қилиб яхшилаш мумкин, сув сарфини қандай қилиб камайтирса бўлади, қишлоқда ишлаб чиқариш муносабатларини қайта қуриш билан боғлиқ ҳолда сувни қандай тақсимлаш ва уни қандай ҳисобга олиш мумкин —ана шундай масалаларда ветеранларнинг маслаҳатлари ҳамма учун фойдалидир.

Сув хўжалиги ветеранлари А. Аҳмедов, А. Золотухин, Н. Каменев, С. Меришенский, Ф. Нажимов, С. Расулев, В. Хаврошченко инсон омилини тўла ҳисобга олмай туриб, бу масалаларни тўла ҳал қилиб бўлмаслиги тўғрисида гапирдилар. Бунинг учун эса мироблар касби обрўсини тиклаш зарур. Сувчилар малакасининг пастлиги, улар ихтиёрида экинларни суғоришнинг замонавий техникаси ва ҳатто коржомалар йўқлиги сабабли қишлоқ хўжалигида сув кўплаб исроф бўлмоқда. Шу боисдан ёшлар бу мураккаб ва муҳим касбни ўрганишни хоҳламаяптилар.

Сув кўплигига ўрганиб қолган қишлоқ хўжалик ходимлари уни тежаш йўлларини унутиб юбордилар, сув сарфини тежайдиган агротехникани жорий этмаяптилар. Зовур тармоқлари ҳозир аслини олганда эгасиз бўлиб қолди. Шу сабабли зовурлар 8—10 йил давомида тозаланмай кўмилиб кетмоқда. Хўжаликларнинг ички суғориш тармоқлари ҳам ночор аҳволда.

Юз берган аҳволни ўнглаш мақсадида сув учун ҳақ тўлашни, ундан фойдаланиш учун қаттиқ интизомни жорий этиш, сувнинг ерга сингиб кетишини камайтириш учун каналларга бетон ётқизиш ишларини жадаллаштириш лозим.

Учрашувда Ўзбекистон ССР Министрлар Совети Раисининг биринчи ўринбосари, республика Давлат агросаноат комитетининг раиси И. Ҳ. Жўрабеков қатнашди.

(ЎзТАГ).

ЎЗБЕКИСТОН МЕҲМОНИ

Жанубий Африка Коммунистик партияси Марказий Комитетининг аъзоси, «Африкэн комьюнйст» журналининг бош редактори Бантиг танишиш мақсади билан республикамизда бўлди.

Меҳмон Тошкентнинг диққатга сазовор жойларини томоша қилди, Самарқандга борди.

«Правда Востока» газетасининг редакциясида суҳбат бўлиб ўтди.

(ЎзТАГ).

КАДРЛАР ЎҚУВИ

Тошкент Олий партия мактаби партия, совет ва идеология кадрларининг малакасини ошириш факультетида Тожикистон, Туркманистон ва Ўзбекистон ССР шаҳар Советлари ва шаҳарлардаги район Советлари ижроия комитетлари раисларининг, область ижроия комитетлари, Министрлар Советлари ва Олий Советлари Президиумлари масъул ходимларининг ўқуви тугади.

Тингловчиларнинг эътиборн КПСС XXVII съезди ва XIX Бутуниттифоқ конференцияси қарорлари асосида марксизм-ленинизм назарияси ва КПСС сиёсатининг долзарб муаммоларини, сиёсий системани тубдан ислоҳ қилиш масалаларини, қайта қуриш, иқтисодий ислоҳотни амалга оширишда Советлар тўла ҳокимиятини таъминлаш йўлларини ўрганишга қаратилди.

Туркманистон ССР Халқ контроли комитетининг раиси В. С. Чертишчев, Ўзбекистон ССР Министрлар Совети Раисининг ўринбосари П. М. Абдураҳмонов, Тожикистон ССР Министрлар Совети Раисининг ўринбосари У. Ғ. Усмонов, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети, Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг масъул ходимлари, министрликлар ва идораларнинг раҳбарлари, олимлар тингловчилар ҳузурида лекция ўқидилар.

Давра столи атрофида ўтказилган машғулотларда миллатлараро муносабатларни ривожлантириш, совет кишилари тарихий онгини шакллантиришнинг долзарб муаммолари, КПСС социал сиёсатини рўёбга чиқариш, социалистик қонунчилик ва ҳуқуқ-тартиботни мустаҳкамлаш, гражданлар ҳуқуқларини муҳофаза қилишни кучайтириш, динлар тўғрисидаги қонунларга риоя этиш ва динга муносабат, халқаро муносабатларни ҳ да КПСС ва Совет давл нинг ташқи сиёсий фаолиятини демократиялаш хусусида батафсил фикрлашиб олинди.

Группа-группа бўлиб ўт казилган семинар машғулотлари сиёсий системани ислоҳ қилиш ва совет жамиятини демократиялаш масалаларига бағишланди. Шаҳар ижроия комитетлари ва шаҳарлардаги район ижроия комитетлари фаолиятини қайта қуриш соҳасидаги иш тажрибаси кенг ўртоқлашилди. Чирчиқ шаҳар ижроия комитетида, Тошкент шаҳрининг Фрунзе ва Чилонзор район ижроия комитетларида ўтказилган сайёр машғулотларда тингловчилар хўжалик ва социал-маданий қурилишга раҳбарлик соҳасида Советлар тажрибаси билан танишдилар.

Ўзбекистон ССР Архитектура давлат комитетида тингловчилар архитектурани ривожлантириш ва шаҳарсозлик истиқболлари билан таништирилди.

Совет органлари ходимларига амалий ва методик ёрдамни кучайтириш мақсадида «Менинг сайловоллди программам» мавзуида махсус машғулотлар — «амалий ўйинлар» ўтказилди.

(ЎзТАГ).

СПОРТ

БОКС:

ҒОЛИБЛАР САФИДА

Копейск шаҳрида Совет Иттифоқи Қаҳрамони С. Хохряков хотира-совғаси учун ўтказилган Бутуниттифоқ мусобақасида 188 нафар чарм қўлқоп устаси қатнашди. Саралаш учрашувларини муваффақиятли ўтказиб, финалда ўзини кўрсатган тошкентлик Б. Мирзаахмедов ҳам вазнларига кўра ғолиблик супасига кўтарилганлар сафидан жой олдй.

ҚИЛИЧБОЗЛИК:

ШАМШИРЧИЛАР ЮТУҒИ

Когон шаҳрида Олимпия умидлари ўртасида Бутуниттифоқ мусобақаси ўтказилди. Қиличбозлар баҳсида Тошкентдаги Титов номли спорт йўналишидаги республика умумтаълим мактаб-интернати талабалари ҳам иштирок этишди. Мусобақанинг қиличбозлик тури бўйича ўтказилган баҳсларида вакилларимизнинг омади юришмай, совринли ўринларни ололмадилар. Чунончи, Р. Кимсанбоев тўртинчи бўлди. Шамширчилар мусобақасида эса А. Колотилин ғалаба қозонди. Команда ҳисобида иккинчи ўрин қўлга киритилди.

ФУТБОЛ:

ПЕШҚАДАМ ЎЗГАРДИ

Иккинчи лиганинг еттинчи зонасига кирувчи коллектйвлар ўртасида кўпдан бери пешқадамлиқ қилаётган Фарғонанинг «Нефтяник» футболчилари иккинчи ўринга тушдилар. Улар Тўрткўлда «Целинник» командасй билан дуранг (2:2) ўйнаб, қиммматли очко йўқотишди. «Нефтяник» ҳисобидаги очколар 18 тага етди. Жиззахнинг «Ёшлик» коллективи эса Кўрғонтепанинг «Вахш» футболчиларини 2:1 ҳисобида мағлубиятга учратиб, 19 очко билан ягона пешқадам бўлиб олишди. Шунингдек, «Навбаҳор», «Зарафшон», «Спартак», «Копет-даг», «Жайхун», «Хўжанд» ва «Сельмашчи» командалари ҳам ўз ҳисобларига 2 тадан очко ёзишди.

СПОРТЛОТО

«Спортлото»нинг 21 май куни ўйналган 21-тиражида қуйидаги ютуқли рақамлар қайд этилди.

«45 дан 6»: 5, 6, 11, 13, 34, 35.
«36 дан 5»: 2, 7, 13, 19, 34.

Муҳаррир У. УСМОНОВ.

ЎЗБЕКИСТОН ССР ДАВЛАТ СТАТИСТИКА КОМИТЕТИНИНГ МАЪЛУМОТЛАРИ АСОСИДА

ШУ БЕШ ЙИЛЛИКДА ИСТЕЪМОЛ МОЛЛАРИ ИШЛАБ ЧИҚАРИШДАГИ СТРУКТУРАВИЙ СИЛЖИШЛАР ТЎҒРИСИДА

Ўн иккинчи беш йиллик давомида республикада истеъмол моллари ишлаб чиқаришни кўпайтиришнинг шу даврга мўлжалланган суръатига эришилди. Истеъмол моллари ишлаб чиқариш ишлаб чиқариш воситаларини ишлаб чиқаришга нисбатан жадал суръатлар билан ривожланди.

Ишлаб чиқариладиган истеъмол молларининг учдан икки қисми енгил ва озиқ-овқат саноати тармоқларига тўғри келади. Беш йилликнинг уч йили ичида ишлаб чиқаришнинг умумий ҳажмида истеъмол молларининг ялпи салмоғи кўпайиш тенденцияси сезилди. Бироқ бир қанча йиллар давомида истеъмол моллари ишлаб чиқаришнинг тармоқ структураси нисбатан доимий бўлиб қолмоқда. Умуман аҳоли жон бошига истеъмол моллари ишлаб чиқариш, шунингдек маҳсулотнинг ип газлама ва шойи газлама, пайпоқ, тайёр кийим-кечаклар, гўшт, жумладан давлат ресурслари хомашёсидан биринчи категорияли маҳсулотлар, колбаса, пишлоқ ва бринза, сутга айлантириб ҳисоблаганда қаймоғи олинмаган сут маҳсулоти сингари турларини ишлаб чиқариш суст кўпаймоқда.

Кўп миқдорда капитал маблағ сарфлаш бу муаммони ҳал этмади. Масалан, республикада ўн иккинчи беш йилликнинг уч йили давомида енгил саноатни ривожлантиришга 515,1 миллион сўм давлат капитал маблағи ажратилди. Шу давр ичида уч йилга мўлжалланган лимитнинг атиги 88 проценти ўзлаштирилди.

Шу давр мобайнида бир қанча қайта ишлаш тармоқларида ҳам кескин вазият вужудга келди. Капитал қурилишнинг асосий кўрсаткичлари бўйича беш йилликнинг уч йилига мўлжалланган йиллик планлари бажарилмади. Агросаноат комплексининг қайта ишлаш тармоқларини ривожлантиришга ажратилган капитал маблағларнинг 83 проценти ўзлаштирилди. Бир қанча корхоналарда гўшт ишлаб чиқарадиган, донни қайта ишлайдиган қувватларни фойдаланишга топшириш планлари барбод бўлди.

Қувватларни ишга тушириш топшириқлари бажарилмаганлиги билан бир қаторда мавжуд қувватлардан паст даражада фойдаланиш ҳоллари учраб турибди.

1988 йилда енгил саноат корхоналарида фонд самарадорлиги 1987 йилдагига нисбатан 4,8 процент (чарм, мўйна ва пойабзал 14,8 процент) камайди, озиқ-овқат саноатида эса 1,1 процентга, айни пайтда балиқ саноатида 6,8 процентга тушиб қолди. Натижада 1988 йил давомида енгил саноат корхоналарида 449 миллион сўмликдан зиёд, озиқ-овқат саноати корхоналарида 39,1 миллион сўмлик маҳсулот етказиб берилмади.

Истеъмол моллари ишлаб чиқаришдаги бундай аҳвол уларни савдо ташкилотларига етказиб берилишига ҳам таъсир кўрсатди ва аҳолини ноозиқ-овқат моллари ҳамда озиқ-овқат маҳсулотлари билан таъминлашда анчагина тақчилликни вужудга келтирди.

Р — 09703. Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети нашриётининг Меҳнат Қизил Байроқ ордени босмахонаси, Тошкент шаҳри. Б. — 120. ИНДЕКС 64583. 1 2 3 4 5 6 7 8 9 10 11 12